БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши № 167 (11.613) | 19 июль, сешанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ ЛУМУМБА ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

Конго Республикаси аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда оғир аҳвол юз берганлиги Совет ҳукуматига маълум бўлиб қолди. Бу аҳвол империалистларнинг Конгога қарши бошлаган агрессияси туфайли вужудга келди. Биз бу қийинчиликларни биламиз, чунки биз ҳам Совет давлатининг дастлабки йилларида ана шундай қийинчиликларни ўз бошимиздан кечирган эдик. Совет ҳукумати совет халқининг ўз озодлиги ва мустақиллигини қаҳрамонона ҳимоя қилаётган Конго халқига нисбатан дўстона қардошларча ҳис-туйғуларига амал қилиб, Конго республикасига озиқ-овқатдан дарҳол ёрдам беришга қарор қилди ҳамда бу ҳақда БМТ бош секретарини хабардор қилди. Юборилиадиган жами озиқ-овқат миқдори 10 минг тонна бўлиб, шундан бир минг тонна қанд, 300 минг банка сут консервалари ва қолгани буғдойдир.

Бу озиқ-овқат маҳсулотлари тошилинч равишда самолётларда, шунингдек махсус совет кемасида юборилади.

Совет ҳукумати бу ёрдамни ўзининг Конго халқига ва унинг қонуний ҳукуматига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни ифодаси деб, шу билан бирга ўз мустақиллигини ҳимоя қилиб, адолатли иш учун олиб бораётган кураши тантана қилишида Конго Республикасига мадад беришга аҳд қилганлигининг ифодаси, деб қарайди.

Н. ХРУШЧЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси.
Москва, Кремль 1960 йил 16 июль.

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ САНОАТ ВА ТРАНСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЭНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1960 йил 15 июлда бир оғиздан қабул қилган қарори

Совет халқи КПСС XX ва XXI съездларининг мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини Коммунистик партия раҳбарлигида муваффақиятли суратда амалга оширмоқда. Совет кишилари ижодий активлик кўрсатиб ва қаҳрамонона меҳнат қилиб, етти йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун курашда дастлабки катта ғалабаларга эришдилар. Ўтган бир ярим йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани анча ошириб бажарилди, капитал қурилиш кенг миқёсларда олиб борилмоқда, транспорт муваффақиятли ривожланмоқда, социалистик қишлоқ хўжалиги тобора юксалиш йўлидан оғишмай олға бормоқда.

Ўтган давр ичида совет фани ва техникаси янги буюк ғалабаларга эришди. Космик фазони текшириш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида, ракетасозлик, радиоэлектроника соҳасида ва фан-билимнинг бошқа соҳаларида қўлга киритилган муваффақиятлар Совет Иттифоқининг жаҳон фанида етакчи ўрин эгаллаши учун имконият туғдирди.

Мамлакатнинг экономикасини тез юксалтириш асосида совет халқининг турмуш даражаси йил сайин кўтарилмоқда. СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни бекор қилиш тўғрисидаги, етти ва олти соатлик иш кунига ўтишни шу йилда тугаллаш ҳақидаги қарорлари, шунингдек совет кишиларининг фаровонлигини ошириш соҳасидаги бошқа тадбирлар аввало Коммунистик партиянинг Ватанимиздаги ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг юксак суръатларини таъминлаган тўғри сиёсатнинг натижасидир.

Совет Иттифоқи экономикасининг ўсиши мамлакатимизнинг ва бутун жаҳон социалистик лагерининг қудратини, бутун дунёда тинчлик учун, турли социал-иқтисодий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун курашда бизнинг позицияларимизни янада кўпроқ мустаҳкамлайди. Халқаро муносабатларнинг ривожланиши КПСС XX ва XXI съездларининг эндиликда, қудратли социалистик лагерь мавжуд бўлган бир вақтда, урушнинг олдини олиш имконияти бор, деб чиқарган хулосалари тамомила тўғри эканлигини тўлиқ тасдиқлайди. Турмуш шуни кўрсатадики, агар барча халқлар агрессорларнинг кирдикорларига нисбатан ҳушёр бўлсалар, зўр бериб қуролланишга қарши, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, атом қуроли синовларини тўхтатиш ва бу қуролни тақиқлаш учун янада зўр активлик ва сабот билан кураш олиб борадиган бўлсалар, инсониятни уруш даҳшатларидан халос қилиш ва умумий тинчлик ишини мустаҳкамлаш мумкин.

Совет Иттифоқининг коммунистик қурилиш соҳасида эришган тарихий муваффақиятлари улуғ марксча-ленинча таълимот билан қуролланган халқимиз коммунизм ғалабаси сари тўғри йўлдан олға бораётганлигини очиқ-равшан исбот этади.

I. Совет халқининг етти йиллик планни амалга оширишда эришган буюк муваффақиятлари

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми РСФСР Министрлар Советининг, Украина ССР Министрлар Советининг, Латвия, Красноярск, Кемерово ва Қараганда Халқ хўжалиги кенгашларининг, СССР Министрлар Совети автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитетининг ва Украина ССР Фанлар академияси электр пайвандлаш институтининг докладларини эшитиб ва муҳокама қилиб, шуни қайд қиладики, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, КПСС ўлка, область комитетлари ва халқ хўжалиги кенгашлари КПСС XXI съездининг саноат, транспортни ривожлантириш ва фан ҳамда техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми етти йиллик планнинг бажарилиши муваффақиятли бораётганлигидан мамнун эканлигини билдиради. **Етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш йўлидаги умумхалқ ҳаракати, партия ташкилотларининг хўжалик қурилишига раҳбарлиги кучайтирилганлиги ўтган бир ярим йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстириш ва транспортни ривожлантиришнинг планда кўзда тутилган суръатларини анча ошириш имконини берди.** 1959 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планда мўлжалланган 7,7 процент ўрнига 11 процентдан зиёд кўпайди ва шу йилнинг биринчи ярмида йиллик планда белгиланган 8,1 процент ўрнига 10 процентдан зиёд ортди. Ўтган йили темир йўл транспортининг юк оборoти пландаги 4,3 процент ўрнига 9,8 процент кўпайди. Денгиз, дарё ва автомобиль транспорти юк ташиш юзасидан берилган топшириқларни ошириб бажармоқда. Халқ хўжалигига ва аҳолига алоқа воситалари билан хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Бутун халқ хўжалигининг негизи бўлган оғир индустрия тез суръатлар билан ривожланмоқда. Етти йиллик бажарила бошлагандан буён контроль рақамларда кўзда тутилган мўлжалларга нисбатан пўлат 3,4 миллион тонна, прокат 2,6 миллион тонна, электр энергияси 5 миллиард киловатт-соат кўпроқ ишлаб чиқарилди, нефть 3 миллион тоннадан зиёд, темир руда 4 миллион тоннадан кўпроқ қазиб чиқарилди, машиналар, кимё маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар анча кўпроқ ишлаб чиқарилди.

Партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги туфайли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўп даража ортди, уй-жой қурилишининг буюк программаси ошириб бажарилмоқда. 1959 йилда ва шу йилнинг 6 ойи мобайнида етти йиллик контроль рақамларида мўлжалланганидан ташқари 601 миллион метр газлама, 28 миллион жуфт чарм пойафзал, 666 минг тонна гўшт (давлат хомашё ресурсларидан) ва кўп миқдорда бошқа товарлар ишлаб чиқарилди. Етти йиллиқнинг биринчи йилидагина шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида жами 80,4 миллион квадратметр ҳажмида уй-жой, ёки 2 миллион 200 мингдан кўпроқ квартира ва қишлоқ жойларда 800 мингдан кўпроқ уй қурилди. Совет Иттифоқи минг киши ҳисобига қурилаётган квартираларнинг миқдори жиҳатидан дунёда биринчи ўринни олди.

Капитал маблағлар кўп ажратилганлиги натижасида саноат ва транспортнинг ҳамма тармоқларидаги асосий фондлар анча кўпайди. Бир ярим йил ичида замонавий техника билан таъминланган 1400 дан кўпроқ янги саноат корхоналари ишга туширилди, 1200 километрдан ортиқроқ темир йўллар фойдаланиш учун топширилди. Мамлакат шарқий районларининг экономикаси тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш соҳасида корхоналарнинг коллективлари, партия ва хўжалик ташкилотлари ишлаб чиққан тадбирларнинг амалга оширилиши кўпгина заводлар, фабрикалар, шахталар ва конларда ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва маҳсулот чиқаришни кўпайтириш имконини берди.

КПСС XXI съездининг қарорларини бажариш соҳасидаги ишларнинг энг муҳим якунларидан бири шуки, халқ хўжалигининг барча тармоқларида техникани тараққий эттириш суръатлари жадаллаштирилди. Ишлаб чиқариш техникасини янада такомиллаштириш юзасидан съезд қабул қилган программани изчиллик билан амалга ошириш, хусусан, Марказий Комитет июнь Пленумидан кейин партия ва хўжалик ташкилотлари янги техника ва технологияни жорий қилишга кўпроқ эътибор берганликлари натижасида бунга эришилди. 1959 йилда ва шу йилнинг биринчи ярмида илмий-тадқиқотлар, лойиҳалаш, конструкторлик ва тажриба ишларининг ҳажми анча кенгайди, машина ва аппаратларнинг 2300 дан кўпроқ янги энг муҳим нусхалари, кўп миқдорда прибор ва материаллар вужудга келтирилди, 2000 дан кўпроқ поток, конвейер, автоматик ва ярим автоматик линиялар жорий қилинди, эскириб қолган конструкциядаги машина, механизм ва приборларнинг мингдан кўпроқ ҳар хил типларини ишлаб чиқариш тўхтатилди, улар ўрнига мукаммалроқ машина-ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилди. Прогрессив технология процесслари ва янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги ишлар кенг миқёсда ривожлантирилди. 1959 йилда халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёридаги машинасозлик заводларида технология машина-ускуналари 1958 йилдагига нисбатан қарийб 30 процент кўпроқ модернизация қилинди.

1959 йилда пайвандлаш конструкциялари ишлаб чиқариш ҳажми 1958 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпайди, пайванд қилиш ишларини механизациялаш даражаси ортди. Саноатда электр-шлак пайвандлаш, газ-электр ва контактли пайвандлаш, автоматик ва ярим автоматик пайвандлаш ҳамда флюс билан эритишнинг ғоят унумли механикалаштирилган усуллари кенгроқ жорий қилинмоқда.

Бир қанча кучли теплоэлектростанциялар ва гидравлик электростанцияларнинг ишга туширилганлиги мамлакатни электрлаштириш суръатларини тезлатиш имконини берди. СССР Европа қисмининг ягона энергетика системасини, Ғарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Закавказье энергетика системаларини вужудга келтириш соҳасида кўп иш қилинди. Совет Иттифоқи эндиликда 500 минг вольтгача бўлган босимли электр ўтказувчи дунёда энг кучли линияларга эгадир.

Кимё саноатини жадал ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг май (1958 йил) Пленуми ишлаб чиққан программа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу эса, халқ хўжалигининг барча соҳаларида техникани янада тараққий эттириш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу йил синтетик смола ва пластмассалар 1957 йилдагига нисбатан 1,5 баравар, кимёвий толалар 1,4 баравар, синтетик спирт эса қарийб 3 баравар кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Транспортнинг асосий турларини техника жиҳатидан тубдан реконструкция қилиш соҳасидаги ишлар кенг миқёсда кучайтириб юборилди. Темир йўлларни электрлаштириш бош плани ошириб бажарилмоқда. Совет Иттифоқи электрлаштирилган темир йўлларнинг узунлиги ва темир йўл транспортини электрлаштириш суръатлари жиҳатидан ҳозир дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Денгиз ва дарё транспортида унча тежамли бўлмаган, эскириб қолган кемалар тез юрар янги кемалар билан алмаштирилмоқда, автомобиль транспорти тез суръатлар билан ривожланмоқда, турбовинтли двигателлар ва турбореактив двигателлар ўрнатилган тез учар самолётлар ҳаво магистралларида хизмат кўрсатмоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида техникани тараққий эттириш совет фанининг муваффақиятлари билан, олимларимиз эришган жуда катта ютуқлар билан чамбарчас боғланган.

Партиянинг XXI съездидан кейинги даврда саноат ва транспортнинг ишидаги характерли хусусият шундан иборатки, ишлаб чиқаришнинг барча сифат кўрсаткичлари анча ортди. Партия ва хўжалик ташкилотларининг, ишчилар, техниклар ва инженерларнинг ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан такомиллаштириш, ички резерврлари қидириб топиш ва улардан фойдаланиш соҳасида катта иш қилганликлари натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини, юк ташиш қимматини камайтириш, жамғармаларни кўпайтириш юзасидан берилган топшириқлар ошириб бажарилди.

Иш куни қисқартирилаётган бир шароитда саноатда банд бўлган ҳар бир ходим ҳисобига меҳнат унумдорлиги ўтган йили 7,4 процент ва 1960 йилнинг биринчи ярмида 6,4 процент кўпайди. Транспортнинг юк оборoти асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ортди. 1959 йилда саноатда таннархни камайтириш йўли билан пландан ташқари 10 миллиард сўм, транспортда 1,9 миллиард сўм маблағ тежалди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва аввало бутун саноатнинг тез суръатлар билан ўсганлиги, маҳсулот таннархининг камайтирилганлиги миллий даромадни тез ўстириш имконини берди. 1959 йилда миллий даромад 1958 йилдагига нисбатан 8 процент кўпайди, бу йил эса тахминан 9 процент ортади.

Етти йиллик планни амалга оширишдаги жуда катта муваффақиятлар қаҳрамон ишчилар синфининг, шонли колхозчи деҳқонларнинг, ажойиб зиёлиларимизнинг фидокорона меҳнати, бутун совет халқининг юксак ижодий активлиги натижасида, Коммунистик партиянинг буюк ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари натижасида қўлга киритилди. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари мамлакатимизда кишининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминлайдиган коммунистик жамият қуришдан иборат улуғ мақсадни тезроқ амалга ошириш учун ўз зиммаларига олган юксак меҳнат мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Замонамизнинг ажойиб ҳаракати — коммунистик меҳнат зарбдорлари, бригадалари, цехлари ва корхоналари мусобақасининг миллионларча қатнашчилари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Улар коммунистларча қандай ишлаш, қандай ўқиш ва қандай яшаш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Кўпгина илғор корхоналарнинг коллективлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган умумхалқ социалистик мусобақаси жараёнида ишлаб чиқариш соҳасида жуда катта натижаларга эришдилар.

Кривой Рогдаги «Большевик» шахтасининг кончилари руда қазиб чиқариш ва ташиш технологиясини такомиллаштириш, участкаларни, забой ва службаларни йириклаштириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни жорий қилиш йўли билан бир ярим йил ичида меҳнат унумдорлигини қарийб икки баравар кўпайтирдилар. Нижне-Тагил металлургия комбинатининг коллективи ўтган йили ва шу йилнинг 5 ойи мобайнида ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиб, пландан ташқари 34 минг тонна чўян, 82 минг тонна пўлат ва қарийб 100 минг тонна прокат ишлаб чиқарди. Комбинат металлурглари пўлат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан 1965 йилга мўлжалланган даражага келгуси йилдаёқ эришиш, чўян ишлаб чиқариш соҳасида 1962 йилда ва прокат ишлаб чиқариш соҳасида 1963 йилда эришиш учун курашмоқдалар. Сталинград трактор заводининг коллективи ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан такомиллаштириш йўлида катта тадбирларни амалга ошириб, бир ярим йил мобайнида пландан ташқари 3000 дан кўпроқ трактор тайёрлади.

Татаристон халқ хўжалиги кенгаши ихтиёридаги «Альметьев-бурнефть» трести 3-пармалаш конторасининг нефтчилари ўтган йили ва 1960 йилнинг биринчи ярмида пармалаш бригадалари миқдорини камайтирган ҳолда, нефть қудуқларини пармалаш планини муддатидан илгари бажардилар. Бу конторанинг коллективи пармалашнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ҳозирданоқ 1964 йил маррасига чиқди. Новороссийскдаги «Октябрь» цемент заводининг ходимлари машина-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, бекор туришга барҳам бериш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан ўтган йили цемент саноати бўйича ўртача меҳнат унумдорлигини тахминан икки баравар оширдилар. Ивановодаги Крупская номли тўқимачилик фабрикаси ва Кинешмадаги «Красная ветка» йигирув фабрикасининг коллективлари станок ва машиналарни модернизация қилиш, технологияни яхшилаш, иш усулларини такомиллаштириш ҳисобига машина-ускуналарни унумли ишлатиш юзасидан етти йиллик охирига мўлжалланган даражага 1960 йилда эришдилар.

Заводлар, фабрикалар, шахталар, конлар, қурилишлар ва транспорт корхоналарининг минг-минглаб коллективлари илгорлардан намуна олиб, меҳнат соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар.

СССР халқ хўжалигининг кейинги йиллардаги тараққиёти шу нарсани яққол кўрсатадики, саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этиш ҳақиқатан ҳам революцион тадбир бўлди, социалистик экономиканинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга ёрдам берди. Раҳбарликнинг корхоналарга яқинлаштирилганлиги, хўжаликни бошқаришда маҳаллий партия ва совет органлари ролининг оширилганлиги, омманинг юксак меҳнат ғайрати мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини тезлаштирди. 1954—1956 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг йиллик ўртача ўсиши 100 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1958—1960 йилларда 130 миллиард сўмдан ошиб кетади. Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилганидан кейин ўтган 3 йил мобайнида пландан ташқари 130 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари анча тезлашди, маҳсулотнинг таннархини камайтириш планлари систематик равишда ошириб бажарилмоқда, саноат ишидаги рентабеллик ортди. Олға қараб янада тезроқ қадам қўймоқ учун хўжаликни бошқаришнинг марказлаштирилган планли раҳбарликни жойларнинг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш ленинча принципига асосланган янги формасининг буюк устунликларидан яхшироқ фойдаланиш зарур.

Саноат ва транспортнинг ўтган бир ярим йил ичидаги иш якунларидан чиқариладиган асосий хулоса шуки, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш юзасидан КПСС XXI съезди қабул қилган буюк программа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Партия, совет ва хўжалик ташкилотлари, Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари жуда кўп қўшимча резерв ва имкониятларни қидириб топиб ишга солмоқдалар. Бу эса съезднинг мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини янада ошириш ҳақидаги қарорларини тезроқ бажаришга имкон беради, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун шарт-шароит вужудга келтиради.

II. Меҳнат унумдорлигини оширмоқ ҳамда саноат ва транспортни ривожлантириш суръатларини жадаллаштирмоқ учун имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланайлик

Коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида эришилган муваффақиятлар шуни кўрсатиб турибдики, техникани тараққий эттириш негизида саноат ва транспортни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш учун, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш учун курашда партия, совет, хўжалик ва касаба союз органлари катта тажриба орттирдилар. Ҳозир энг муҳим нарса шуки, шу тажрибадан фойдаланиб, янги техникани яратиш ва жорий қилишга доир ҳамма ишларни ташкил этишни такомиллаштириш, янги, прогрессив ташаббусларни, корхоналарда, конструкторлик, лойиҳалаш ва илмий тадқиқот ташкилотларида кун сайин тугилаётган ва коммунизм йўлида олға боришимизни жадаллаштираётган ташаббусларнинг ҳаммасини дадиллик билан қувватлаш ва зўр бериб ривожлантира бориш керак.

Техникани тараққий эттириш соҳасидаги муваффақиятлар бу катта ва муҳим ишда ҳали ҳам мавжуд бўлган камчиликларни йўқотишга партия, совет ва хўжалик органларининг эътиборини сусайтирмаслиги лозим. Пленум шуни қайд қиладики, кўпгина халқ хўжалиги кенгашлари ва корхоналар янги техникани ишлаб чиқиш ва жорий қилиш планларини бажармаётирлар, партия ташкилотлари эса, давлат топшириқларини бажаришда интизомсизликка йўл қўяётган раҳбарларга индамай келмоқдалар. Козоғистон, Грузия ва Ўзбекистоннинг, Кемерово, Пермь, Ростов, Сталино ва бошқа баъзи иқтисодий районларнинг бир қанча корхоналари янги техникага доир планларни бажаришда кейинда қолмоқдалар.

Янги машиналар ва процессларни жорий қилиш пландари, одатда, ишлаб чиқариш планлари ишлаб чиқилганидан кейин тузилмоқда, бунинг натижасида фан ва техникадаги энг янги муваффақиятларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ ва сифат кўрсаткичларини яхшиламоқ учун жорий қилиниши очиб бераётган ҳамма имкониятларни план топшириқларида ҳисобга олинмаётир. Кўп ҳолларда янги техникани жорий қилиш планлари зарур моддий-техника ресурслари билан таъминланмаётир.

Баъзи корхоналарда, конструкторлик бюролари ва илмий тадқиқот институтларида машиналар ва ускуналарнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, прогрессив технология процессларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳали ҳам секин амалга оширилмоқда. Янги яратилаётган ускуналар ва асбоблар ўзларининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ҳозирги замон талабларига мос келмаётганлиги сингари ҳоллар оз эмас. Кўп корхоналар ва конструкторлик ташкилотлари янги технология процессларини механизация ва автоматлаштириш воситалари билан комплекс таъминламай туриб, айрим ишлаб чиқариш операциялари учунгина машиналар яратиб бермоқдалар. Машинасозликнинг конструкторлик ва эксперименталь базаси халқ хўжалигининг эҳтиёжларидан жиддий равишда орқада қолмоқда.

Транспортда техникани тараққий эттириш ишларида ҳам камчиликлар бор. Бир қанча темир йўл магистралларини реконструкция қилиш комплекс равишда ўтказилмаётир: поездлар ҳаракатини бошқаришга автоматикани жорий қилиш, ҳаракат составини модернизация қилиш ва йўл хўжалигини кучайтириш анча орқада қолмоқда, бунинг натижасида электровозлар ва тепловозлардан фойдаланишнинг самараси анча пасайиб кетмоқда. Баъзи халқ хўжалиги кенгашлари транспортга локомотивлар, вагонлар, денгиз ва дарё кемалари етказиб бериш планларини бажармаётирлар.

Бир қанча халқ хўжалиги кенгашларининг корхоналари қишлоқ хўжалигини механизациялаштирмоқ учун янги техникани ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уни етказиб бериш топшириқларини адо қилмаётирлар.

Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилганидан кейин ва айниқса КПСС XXI съездидан кейин иқтисодий районларда ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш соҳасида анча иш қилинди. Бир қанча халқ хўжалиги кенгашларида металл буюмларни, қуймаларни, поковкаларни ва стандарт асбобларни ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этилди, бу эса, шуларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва таннархини камайтиришга имкон берди. КПСС Марказий Комитети Пленуми бу тадбирларнинг ижобий аҳамиятини қайд қилиш билан бирга, иқтисодий район ичида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг ўзи бу муҳим проблемани тўла равишда ҳал қилмайди, деб ҳисоблайди. Хўжаликнинг социалистик системаси кенг ижтимоий меҳнат тақсимоти, рационал ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш негизида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо қилади ва шундай ривожлантиришга имкон беради.

СССРдаги ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳажми мавжуд бўлиб турган шароитда иқтисодий асосланган ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш кечиктириб бўлмайдиган ҳаётий ишдир; бу тадбирни изчиллик билан амалга ошириш экономикамизнинг жуда катта резервларини ишга солишга имкон беради. Аммо, СССР Госплани, иттифоқчи республикаларнинг Госпланлари ва баъзи халқ хўжалиги кенгашлари бу ишда сусткашлик қилмоқдалар, саноатнинг етакчи тармоқларида ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг перспектив планларини ишлаб чиқишлари йўқ.

(Давоми иккинчи бетда).

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ СОВЕТ ЗИЁЛИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Совет пойтахтининг кўп аҳолиси 17 июль якшанба кунини шаҳар атрофидаги хушманзарали жойларда ўтказди. Бу ерларда ишчиларни, инженерларни, техникларни, бинокорларни, студентларни, Совет Армиясининг жангчиларини кўриш мумкин эди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми ва Совет ҳукумати шаҳар атрофидаги дачага таклиф этган совет зиёлиларининг вакиллари—олимлар, адиблар, музикачилар, композиторлар, рассомлар, режиссёрлар, артистлар, драматурглар Совет Иттифоқидаги ягона кўп миллатли аҳил оиланинг намояндаларидир. Бу дачада катта қабул маросими ўтказилди.

Меҳмонлар салқин боғнинг хиёбонларида сайр қилдилар, қайиқларга тушиб кўнгил очдилар, балиқ овладилар.

Н. С. Хрушчев ва Совет ҳукуматининг бошқа раҳбарлари қайиқларда, моторли катерларда меҳмонлар билан биргаликда сайр қилиб, совет зиёлиларининг вакиллари билан дўстона суҳбат қилганликларини кўриш мумкин эди.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Я. Э. Калнберзин, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе, М. Г. Первухин ўртоқлар меҳмонларни қабул қилдилар.

Тушдан кейин Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари меҳмонларни қадимий липа шохлари соя ташлаб турган ҳовузлар ўртасида катта рангдор чодир остида ёйилган дастурхонга таклиф этдилар. Бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ва Совет ҳукумати зиёфат ташкил қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутқ сўзлади.

Шундан кейин Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Е. А. Фурцева, А. Б. Аристов, А. Н. Косигин совет халқ зиёлиларига қарата самимий нутқ сўзладилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов, М. А. Шолохов, К. А. Федин, Л. С. Соболев, С. В. Герасимов, М. Ф. Рильский, С. Ф. Бондарчук, Д. Д. Шостакович, Н. П. Охлопков, А. Е. Корнейчук, П. У. Бровка, К. И. Сатпаев, Ш. Р. Рашидов, И. В. Абашидзе, В. А. Серов ўз нутқларида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан астойдил миннатдор эканликларини айтдилар.

Учрашув вақтида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев катта ёрқин нутқ сўзлади. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар унинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг совет зиёлилари вакиллари билан учрашуви совет халқининг Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлигини кўрсатган ажойиб намойишга айланди.

Учрашув қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ САНОАТ ВА ТРАНСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЭНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА

(Боши биринчи бетда).

Янги техника ва технология кенг жорий қилинаётган шароитда ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Шу билан бир вақтда саноат ва транспортнинг кўп корхоналарида бу масалалар хўжалик раҳбарларининг ва партия ташкилотларининг ҳали диққат марказида тургани йўқ. Натижада бу корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан ва ускуналардан ёмон фойдаланилмоқда, ишчилар, инженерлар ва техникларни нораціонал жойлаштиришга, кўмакчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб қилмагани ҳолда орттириб юборишларга, бекор туришларнинг кўпайиб кетишига, маҳсулот чиқаришнинг бир маромда бўлмаслигига йўл қўйилмоқда. Баъзи темир йўлларда локомотивлардан фойдаланишни яхшилаш топшириқлари бажарилмаётир, поездлар ҳаракатининг тезлигини ошириш суст бораётир. Кўп станцияларда, портларда ва корхоналар ичига кирадиган йўлларда вагонлар, кемалар ва автомобилларнинг бекор туриб қолиши белгиланган нормалардан анча ошиб кетмоқда.

СССР Госплани, СССР Министрлар Советининг автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети, саноат тармоқлари бўйича давлат комитетлари ва баъзи иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари Марказий Комитет (1959 йил) июнь Пленумининг ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, бунинг учун зарур машиналар, механизмлар ва асбоблар чиқаришни кўпайтириш, ишлаб турган ускуналарни модернизация қилмоқ учун узеллар ва агрегатларни марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг перспектив планларини тузиш тўғрисидаги кўрсатмаларини ҳамда мамлакатимизда техникани тараққий эттириш суръатларини жадаллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларни бажаришда суст кашликка йўл қўймоқдалар.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд қиладики, техникани тараққий эттириш суръатларини ҳар томонлама ошириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билангина бу етти йилликнинг туб проблемасини — социализмнинг капитализм билан иқтисодий мусобақасида вақтдан энг кўп ютиш проблемасини ҳал қилиш мумкин. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқ учун экономикамизнинг ҳамма резервларини ва имкониятларини ишга солиш керак. Бу резервлар ва имкониятлар, аввало, шундан иборатки, фан ва техника муваффақиятларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига жорий қилишни жадаллаштириш, мамлакатни янада электрлаштириш, корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг рационал методларини ҳамма жойда қўлланиш керак. Қурилиш ишларининг индустриал базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш қурилиш муддатларини қисқартирмоқ ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширмоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу имкониятларни топиб ишга солиш партия, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг марказий вазифаси бўлиб қолиши лозим.

Кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи манбаи ва халқ фаровонлигини янада яхшилашнинг асоси бўлган ижтимоий меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан оширишга асосий эътибор берилиши лозим.

Социалистик хўжалик системаси ҳар бир меҳнаткашнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини бутун жамиятнинг манфаатлари билан узвий равишда бир-бирига қўшади. Улуғ Ленининнинг кўрсатмаларига асосланиб, Коммунистик партия хўжалик қурилишининг ҳамма босқичларида омманинг социализм қурилишидаги ғайрат ва ташаббусини ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини оширмоқ ва бутун халқ хўжалигини ривожлантирмоқ учун моддий манфаатдорлик принципидан тўла равишда фойдаланиш билан муттасил қўшиб олиб борди. Коммунизм қурилишининг улуғ вазифалари меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасини ва активлигини тағин ҳам зўр куч билан юксалтириб юборди, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадаларининг ажойиб ҳаракатини туғдирди. Шу вазифаларга мувофиқ, кейинги йилларда ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришдан, ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашдан, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техникани такомиллаштиришдан моддий манфаатдорлигини янада ошириш тадбирлари амалга оширилди. Марказий Комитет Пленуми барча партия ва хўжалик ташкилотларига Ленининнинг мана шу муҳим принципига бундан буён ҳам ўз ишларида амал қилишни таклиф этади.

2. КПСС Марказий Комитети Пленуми иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликларга ва бошқармаларга фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштирмоқ ва автоматлаштирмоқ учун, эскириб қолган маҳсулотни ҳозирги замон талабларига мос келадиган янги маҳсулот билан тез алмаштирмоқ учун тағин ҳам такомиллашган машиналар, ускуналар ва асбоблар яратиш ва шуларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни топширади.

Корхоналардаги коллективларнинг, илмий тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларидаги, олий ўқув юртларидаги, халқ хўжалиги кенгашларидаги, министрликлар ва бошқармалардаги мутахассисларнинг эътиборини, аввало, қал қилиш натижасида катта иқтисодий самара ҳосил қилишга ва вақтдан ютишга имкон берадиган техника проблемаларига; оғир қўл меҳнатини тугатишни жадаллаштиришга; саноат учун янги материаллар, айниқса синтетик материаллар яратишга ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида бу материаллардан кенг фойдаланишга; ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан такомиллаштиришда меҳнаткашлар оммасининг актив қатнашувини таъминлайдиган рационализаторлик ва ихтирочиликни ривожлантиришга қаратиш керак.

Қисқа муддатларда ва камроқ капитал маблағ сарфлаб, меҳнат унумдорлигини оширмоқ ва маҳсулот чиқаришни кўпайтирмоқ учун ишлаб турган ускуналарни модернизация қилиш ва корхоналарни реконструкция қилиш суръатларини жадаллаштириш зарур.

Ново-Краматорск заводининг коллективи ўзи илгари ишлаб чиқарган ускуналарни модернизация қилмоқ учун зарур деталлар ва узеллар ишлаб чиқаришнинг техника ҳужжатларини ўз кучи билан ишлаб чиқди ва шуларни ишлаб чиқаришни ташкил этди, Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашининг машинасозлик заводлари янги станоклар ва автомат линиялар яратишда нормаллашган узеллар ва агрегатларни кенг қўлланмоқдалар, Омск темир йўлида масофаси узайтирилган участкаларда локомотивларни ишлатишнинг янги методи ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, шу коллективларнинг тажрибаларини, шунингдек ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган қимматли ташаббусларни бошлаб берган бошқа илғор корхоналарнинг тажрибаларини ҳамма жойда кенг ёйиш иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига тавсия қилинсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотларига қолоқликка ва консерватизмга қарши, камчиликларга, техникани тараққий эттириш вазифаларини ҳал қилишга бепарволик билан муносабатда бўлишга қарши курашни кучайтиришни таклиф қилади.

3. Москва, Ленинград, Свердловск, Днепропетровск ва бошқа бир қанча областлардаги корхоналар коллективларининг партия ва хўжалик ташкилотларининг янги ички резервларни топиб, ишга солишдаги ташаббуси маъқуллансин, шу областларнинг меҳнаткашлари янги резервларни топиб ишга солганликлари натижасида машиналар, аппаратлар ва асбобларнинг, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларининг тағин ҳам такомиллашган типларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, маҳсулотнинг энг янги турларини ишлаб чиқариш учун етти йиллик планда белгиланган даражага илгари мажбуриятларда кўзда тутилганига қараганда, анча олдинроқ эришиш соҳасида оширилган социалистик мажбуриятлар олиш имкониятига эга бўлдилар.

4. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ва хўжалик ташкилотларининг, барча фан ва техника ходимларининг эътиборини илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг, конструкторлик бюроларининг ишларини тағин ҳам самарали қилиш, илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш ва бу ишларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларини қисқартириш зарурлигига жалб қилади.

СССР Давлат иқтисодий кенгаши, СССР Госплани, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Фанлар академияси, СССР Министрлар Советининг автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети, СССР Министрлар Советининг Давлат илмий-техника комитети, СССР Министрлар Советининг саноат ва қурилиш тармоқлари бўйича Давлат комитетлари, халқ хўжалиги кенгашлари ва министрликлар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг, конструкторлик бюроларининг ва бошқа илмий муассасаларнинг ишларига раҳбарликни яхшиласинлар, уларнинг фаолиятини бир-бирига уйғунлаштиришни кучайтирсинлар, кераксиз параллелизмни ва ишга муайян бир бошқарманинг тор манфаати нуқтаи назаридан қарашни тугатсинлар, ўнчалик актуал бўлмаган темаларнинг планларига киритилишига йўл қўймасинлар, тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик базаларини ва экспериментал базани мустаҳкамласинлар, техникага доир ахборотлар бериб туришни тартибга солсинлар. Тажриба установкаларини, цехларни ва корхоналарини серияли маҳсулот ишлаб чиқаришдан батамом бўшатиб қўйиш чоралари кўрилсин.

Илмий-тадқиқот муассасаларига прогрессив технология процессларини ва янги техникани яратиш ҳамда ишлаб чиқишнинг лаборатория тадқиқотлари ўтказишдан тортиб то ишлаб чиқаришга жорий қилишгача бўлган ҳамма босқичларида олимлар, инженер-технологлар, лойиҳачилар, конструкторлар ва завод ходимларининг биргаликда қатнашиб, ижодий иш олиб боришини кенг равишда амалга ошириш, ишлаб чиқариш билан алоқани кучайтириш, ўз муваффақиятларини саноатга ва транспортга жорий қилиш билан муттасил шуғулланиш тавсия қилинсин.

СССР Давлат иқтисодий кенгашига, СССР Госплани, СССР Министрлар Советининг Давлат илмий-техника комитетига саноат ва қурилиш тармоқлари бўйича Давлат комитетлари, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда энг муҳим тадқиқот, тажриба ва лойиҳалаш ишларини планлаштиришни яхшилаш, бу ишларни бир-бирига уйғунлаштириш ва бу ишларнинг бажарилиши устидан контроль қилиб туриш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, олти ой муддат ичида СССР Министрлар Советига тақдим этиш таклиф қилинсин.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни уқтириб ўтадики, оғир индустрия корхоналарининг муваффақиятли ишлаши етти йиллик планнинг халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида муддатидан олдин бажарилиши учун энг муҳим шартдир. Саноат ва транспорт етти йиллик планда кўрсатилганига қараганда, бундан буён ҳам янада тез суръатлар билан ривожланиб бориши учун қора ва рангли металлар, цемент, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, руда, кўмир, айниқса коксланадиган кўмир қазиб чиқариш ва газ чиқариш топшириқларининг контроль рақамларда кўрсатилганига қараганда, биринчи навбатда, олдинроқ бажарилишига эришмоқ зарур.

Машинасозликнинг илдам ривожлантирилиши, машиналар, аппаратлар, асбоблар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари ҳамда бошқа ускуналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда уларнинг техника даражасини ошириш техникани тараққий эттириш суръатларини ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишни жадаллаштирмоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, хўжалик ва касаба союз органларининг зиммасига шуни юклайдики, улар оғир индустрия корхоналарида ва машинасозлик заводларида қувватларнинг ишга туширилиши устидан доимий контроль ўрнатсинлар, оғир индустрия ва машинасозлик маҳсулотлари чиқаришни кўпайтирмоқ учун ички резервларни топиб ишга солишга кўпроқ куч ва ғайрат сарфласинлар.

6. Марказий Комитет Пленуми янги энергетика қувватларини ва кимё маҳсулоти ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга солишда бирмунча қолоқлик борлигини қайд қилиб, СССР Госплани, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, Электростанциялар қурилиши министрлиги, халқ хўжалиги кенгашлари зиммасига шуни юклайдики, улар электростанциялар ва кимё заводлари қурилишига, замонавий турбиналар, қозонлар, электрик машиналар ҳамда кимёвий ускуналарнинг янги турларини ишлаб чиқаришни вужудга келтиришга ва тез ташкил этишга эътиборни кучайтирсинлар. Ҳамишa шуни назарда тутиб иш олиб бориш керакки, етти йиллик планнинг энергетика қурилиши ва кимё саноатини жадал ривожлантириш соҳасидаги топшириқларини ошириб бажариш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техникани тараққий эттириш базасини мустаҳкамлайди.

7. Марказий Комитет Пленуми типовой технология процессларини ва типовой лойиҳаларни янги корхоналар қуришда қўлланиш қурилиш муддатларини анча камайтиришга ва қурилишни арзонлаштиришга имкон беришини ҳисобга олиб, СССР Министрлар Советининг Автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети, СССР Министрлар Советининг саноат ва қурилиш тармоқлари бўйича Давлат комитетлари зиммасига шуни юклайдики, улар ишлаб чиқаришнинг асосий турлари учун иш унуми юксак бўлган ускуналар ҳамда комплекс механизация ва автоматлаштириш воситалари асосида типовой прогрессив технология процесслари ва схемаларини ишлаб чиқсинлар. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, саноат корхоналарини лойиҳалаш ва реконструкция қилишда технология ускуналарининг типовой схемалари ва комплектларидан энг кўп даражада фойдаланиш лозим.

СССР Госплани, СССР Давлат иқтисодий кенгаши ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари қурилаётган корхоналарда типовой процессларни амалга оширмоқ учун зарур ускуналарнинг комплектларини тайёрлаб беришни халқ хўжалик планларида кўзда тутсинлар; тажриба-кўрсатмали, комплекс-автоматлаштирилган корхоналар, шунингдек энг янги техникани қўлланиш асосида лойиҳаланган бошқа корхоналар қуришни тезлатиш чораларини кўрсинлар ва шу тариқа мазкур корхоналарнинг иш тажрибалари қисқа муддат ичида саноатга ва транспортга ёйилсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаштирадиган янги машиналарни ва бошқа воситаларни яратишга ва уларни ишлаб чиқаришни тез ўзлаштиришга берилаётган эътибор кучайтирилсин.

8. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми темир йўл транспортини техника жиҳатдан тубдан реконструкция қилишни жадаллаштириш, денгиз, дарё, автомобиль ва ҳаво транспортини янада такомиллаштириш ва замонавий техника воситалари билан таъминлаш, трубопровод транспортини тез ривожлантириш энг муҳим халқ хўжалиги вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Бу ишларни бажаришдаги асосий йўллар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: темир йўл транспортида — электрлаштириш ҳамда тепловозларни жорий қилиш суръати оширилиши, ҳаракат составини модернизация қилиш, поездлар ҳаракатини бошқаришда автоматизациянинг кенг қўлланиши, узеллар ва станцияларни ривожлантириш, темир йўлларни реконструкция қилишни жадаллаштириш йўли билан янги локомотивларнинг эксплуатацион имкониятларига темир йўллардаги бутун хўжаликнинг техника даражаси мувофиқлаштирилиши лозим; сув транспортида — кемаларнинг қурилиш муддатларини ва қийматини қисқартириш, сув ости қанотлари ўрнатилган теплоходларни жорий қилиш, портларнинг кемалар сиғдириш қобилиятини кенгайтириш ва навигация муддатларини узайтириш лозим; автомобиль транспортида — майда автомобиль хўжаликларини тугатишни тугаллаш ва машиналар паркини хўжалик ҳисобида ишлайдиган йирик автобазаларга тўплаш, йўл қурилишини жадаллаштириш лозим. Юк ортиш-юк тушириш ишларини механизациялаш саноат ва транспорт ходимларининг энг муҳим вазифасидир.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ва тегишли халқ хўжалиги кенгашларига локомотивларнинг, вагонларнинг, денгиз ва дарё кемаларининг янги турларини, механизация ва автоматлаштириш воситаларини, транспортни техника жиҳатдан реконструкция қилмоқ учун зарур бўлган ускуналарни ва материалларни, шунингдек саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги учун ихтисослаштирилган автомобиллар ва прицепларни етказиб бериш планларининг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлаш таклиф қилинсин.

Транспорт ходимлари янги техникадан тағин ҳам тўлиқ равишда ва самарали фойдаланишлари, техникадан фойдаланиш ишларининг формалари ва методларини такомиллаштиришлари, поездлар, кемалар ва автомашиналар ҳаракатининг тезлигини ва хавфсизлигини оширишлари, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашлари, меҳнат унумдорлигини тағин ҳам тез суръатлар билан оширишни ва юк ташиш таннархини камайтиришни таъминлашлари лозим.

Масофаси узайтирилган йўл участкаларида сменали локомотив бригадалари бўлган электровозлар ва тепловозларнинг ишлаши иқтисодий жиҳатдан юксак даражада самарали бўлаётганлигини қайд қилиб, Йўллар министрлигига ва СССР Госплани ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари иштироки билан масофаси узайтирилган йўл участкаларининг схемасини ҳамда барча темир йўл шохобчалари учун локомотив деполарини жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш вазифаси топширилсин. Шу муносабат билан, бир қанча локомотив деполарида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш масалалари ҳал қилинсин.

Бир қанча темир йўл магистралларида юк ташиш жуда кўпайиб кетганлигини ҳисобга олиб, мавжуд темир йўл шохобчаларини техника жиҳатдан реконструкция қилиш билан бир қаторда янги темир йўллар қуришни жадаллаштириш зарур деб топилсин. СССР Давлат иқтисодий кенгашига, Йўллар министрлигига ва Транспорт қурилиши министрлигига янги перспектив планни тузаётган вақтда, мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий-географик районларида темир йўл транспортини илдамлик билан ривожлантиришни кўзда тутиш топширилсин.

СССР Госпланига ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига радиореле линиялари ва кабель магистраллар қурилишини жадаллаштириш ҳамда шаҳарларни ва қишлоқ жойларини телефонлаштириш ва радиолаштириш ишларини жадаллаштириш чораларини кўриш топширилсин.

9. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада кенгайтиришни талаб қилаётганлигини ҳисобга олиб, Марказий Комитет Пленуми СССР Давлат иқтисодий кенгашига, СССР Госпланига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига шу вазифани юклайдики, улар янги техника тармоқлари учун ва, аввало, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш ва асбобсозлик бўйича мутахассислар тайёрлашнинг сифатини оширишга ва мутахассислар чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берсинлар.

Малакали ишчи кадрларни профессионал жиҳатдан тайёрлашни яхшилаш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш малакасини ва умумий маълумот даражасини янада ошириш техника тараққиётини жадаллаштиришнинг мутлақо зарур шартидир. КПСС Марказий Комитети Пленуми иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, Министрлар Советлари, СССР Министрлар Советининг профессионал-техника таълими Давлат комитети ҳамда халқ хўжалиги кенгашлари зиммасига шуни юклайдики, улар ишчи кадрларнинг профессионал-техника ўқувига раҳбарликни яхшиласинлар, корхоналарда, транспортда ва қурилиш ташкилотларида кечки (сменали) профессионал-техника билим юртларининг шохобчаларини кенгайтирсинлар, токи эркак ва аёл ишчилар шу билим юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмай ўқиб, профессионал-техника маълумоти оладиган бўлсинлар.

10. Халқ хўжалигида ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни янада ривожлантириш мақсадида СССР Давлат иқтисодий кенгаши, СССР Госплани ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига Марказда, Уралда, Ўрта Осиёда, Сибирда ва мамлакатнинг бошқа йирик иқтисодий-географик районларида чегарадош иқтисодий районларнинг эҳтиёжлари учун тармоқлараро қўлланиладиган комплектловчи буюмлар ва деталларни, қуймаларни, поковкаларни, нормалашган узелларни, агрегатларни ва асбобларни, қуйма конструкцияларни, металл буюмларни, инструментларни, запас қисмларни ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар вужудга келтириш ишларини яқин йиллар ичида тугаллаш вазифаси юклатилсин.

СССР Министрлар Советининг Автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитетига, СССР Госпланига ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Стандартлар, тош-тарозидар ва ўлчов асбоблари комитетига машинасозликнинг ҳамма тармоқларида ускуналар, асбоблар ва механизмларнинг ўлчови рационал равишда белгиланган хилларини жорий қилиш, машинасозлик маҳсулотини стандартлаш, унификация ва типизация қилиш тадбирларини ишлаб чиқиб, шу масалаларга доир таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этиш таклиф қилинсин.

СССР Давлат иқтисодий кенгашига, СССР Госпланига ва СССР Министрлар Советининг Автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитетига саноатнинг асосий тармоқларини ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни шу етти йилликда ривожлантириш планини бир йил ичида ишлаб чиқиш топширилсин.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область ва шаҳар партия комитетлари хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш соҳасидаги фаолиятини контроль қилиб туришни кучайтирсинлар, айрим раҳбарларнинг иқтисодий биқиқликка зарарли интилишларини ўз вақтида очиб ташласинлар ва бундай интилишларга қатъиян йўл қўймасинлар.

11. СССР Давлат иқтисодий кенгашига, СССР Госплани, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ва халқ хўжалиги кенгашларига қурилишнинг моддий-техника базаси қувватларини жадал кўпайтириш чораларини кўриш, цемент, темир-бетон конструкциялар, санитария-техника буюмлари, пардозлаш материаллари ва бошқа қурилиш деталларига қурилишларнинг бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни назарда тутиб, шу материалларни ишлаб чиқарувчи янги заводларни тезроқ ишга туширишни ва мавжуд корхоналарни кенгайтиришни таъминлаш, қурилиш машиналари ва механизмлари чиқаришни кўпайтириш таклиф қилинсин.

Партия ва касаба союз ташкилотлари партия ва ҳукуматнинг қурилишнинг индустриал базасини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш устидан контролликни кучайтириб, саноат ва уй-жой қурилиши учун йирик темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган қувватларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор берсинлар.

12. Саноатда, қурилишда ва транспортда прогрессив пайванд конструкцияларни оммавий жорий қилишнинг катта халқ хўжалик аҳамияти борлигини ҳисобга олиб, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликларга ва бошқармаларга кавшарланган, тежамсиз қуйма қилиб, чўкичлаб ясалган ва бошқа хил конструкцияларни пайванд конструкциялар билан алмаштириш ишларини яхшилаш, пайванд конструкцияларни, машиналар ва механизмларнинг деталларига ёпиштириладиган ейилишга бардош берадиган қатламларни марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар ва цехлар вужудга келтиришни жадаллаштириш, пайванд қилувчи ускуналар, электродлар ва пайвандлашга керакли бошқа материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш таклиф қилинсин.

Саноатда, қурилишда ва транспортда пайвандлаш техникасини кенг қўлланиш мақсадида Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш бош институтининг корхоналар, илмий-тадқиқот ва конструкторлик муассасалари пайвандлаш соҳасида олиб бораётган ишларни уйғунлаштириш, пайвандлашнинг янги методларини ва тежамли пайванд конструкцияларни жорий қилишни ташкил этиш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб топилсин, техниканинг шу соҳасидаги ҳамма тадбирларни амалга ошириш устидан контроллик қилиб туриш шу институтга юклатилсин.

Илғор пайвандлаш техникасини жорий қилишга кўмаклашмоқ учун саноат, транспорт корхоналарида ва қурилишларда инженер-конструкторлардан, технологлар ва ишлаб чиқариш илғорларидан иборат комиссиялар тузиш тавсия қилинсин.

13. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликлар ва бошқармаларга илғор коллективларнинг иш тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш ва ёйиш асосида ҳамма заводларда, фабрикалар, шахталар, рудникларда, транспортда ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштириш тадбирларини қисқа муддатлар ичида амалга оширишни топширади. Бу тадбирлар қувватлар ва ускуналардан тўлиқ фойдаланишга, корхоналардаги камчиликларни йўқотишга, ишчилар ва инженер-техник ходимларни рационал равишда жойлаштиришга, корхоналарнинг структурасини янада такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Ҳамма участкалар, цехлар ва корхоналарнинг аниқ ва бир маромда ишлашига эришмоқ зарур, чунки бундай ишлаш ишлаб чиқариш автоматлаштирилган ҳамда корхоналар ва иқтисодий районлар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари кенгайтирилган шароитда алоҳида аҳамиятга эгадир.

14. СССР Госпланига иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда материал-техника билан таъминлашни ташкил этишни яхшилаш, таъминот ва маҳсулот тарқатиш аппаратидаги ортиқча бўғинларни тугатиш, иттифоқ ва республика маҳсулотни тарқатиш ва таъминлаш ташкилотларининг ишидаги параллелизмни ва бир ишнинг бир неча ташкилот томонидан бажарилаётганлигини йўқотиш, давлат интизомини ошириш ҳамда таъминлаш ва тарқатиш планларининг бажарилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, 1961 йил 1 январгача бу таклифларни СССР Министрлар Советига киритиш вазифаси топширилсин. Халқ хўжалиги кенгашлари ва корхоналарга берилаётган материал-техника ресурслари белгиланган ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишини тўла равишда таъминлайдиган бўлиши лозим.

15. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми барча саноат ва транспорт ходимларининг эътиборини асосий фондларни сақлаб қолиш тўғрисида, бу фондларни тўхтовсиз янгилаб туриш ва такомиллаштириш тўғрисида гамхўрликни кучайтириш зарурлигига жалб қилади; эҳтиёт юзасидан планли равишда ўтказиладиган ремонтни ва капитал ремонтни ташкил этишдаги, саноатда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб турган машиналар, механизмлар ва ускуналарни запас қисмлар билан таъминлашдаги жиддий камчиликлар тугатилсин. Марказий Комитет Пленуми СССР Министрлар Советига мамлакатда бу ишни яхшилаш чораларини кўриш вазифасини топширади.

III. Иқтисодий ишни юксак даражага кўтарайлик, саноат ва транспортнинг барча бўғинларида сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун курашни кучайтирайлик

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд қиладики, саноат ва қурилишни бошқариш қайта ташкил этилганидан кейин саноат корхоналари ва транспорт ишларининг сифат кўрсаткичлари, улар фаолиятининг иқтисодий натижалари анча яхшиланди. Халқ хўжалиги кенгашларининг корхоналар ишига кун сайин, конкрет раҳбарлик қилаётганликлари, жамоат ташкилотлари ва кенг меҳнаткашлар оммасининг ишлаб чиқаришни бошқаришда, резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишда актив қатнашаётганликлари саноатнинг ички жамғармаларини кўпайтириш суръатларини ошириш имконини берди. Саноат 1957—1959 йиллар мобайнида пландан ташқари 18 миллиард сўмдан кўпроқ, транспорт эса 4 миллиард сўмдан кўпроқ фойда олди.

Партия ва хўжалик ташкилотлари партия XXI съездидан кейинги даврда ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида анча иш қилдилар. Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони кўпайди, кўп корхоналарнинг коллективлари завод маркасининг шуҳрати учун, ишлаб чиқаришнинг бутун сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг энг муҳим омили бўлган ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш учун олиб борилаётган курашга қўшилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бу муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга шуни қайд қиладики, **саноат ва транспорт ўз ишларининг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш — маҳсулотнинг сифатини ошириш, унинг таннархини камайтириш ва жамғармаларни кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадир.**

Марказий Комитет Пленуми талайгина корхоналарнинг маҳсулот таннархини камайтириш ва хўжаликнинг ички жамғармалари юзасидан берилган топшириқларни бажармаётганликлари йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди. Бир қанча заводлар, фабрикалар, шахталар, конларда меҳнат, хомашё, ёқилғи ва электр энергияси ўринсиз ортиқча сарф қилинмоқда, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқасида нобудгарчилик ва бошқа ўринсиз харажатлар кўпайиб бормоқда. Сифат кўрсаткичлари планларини бажармаётган корхоналар Олтой, Тюмень, Липецк, Белгород ва бошқа баъзи иқтисодий районларда айниқса кўп. Баъзи корхоналарда бир хил маҳсулот тайёрлаш вақтида ишлаб чиқариш харажатлари бошқа корхоналардагига нисбатан анча кўпроқ эканлигини кўрсатадиган фактлар оз эмас.

Бюджетдан, ёки рентабель ишловчи завод ва фабрикалар фойдаси ҳисобига дотация олаётган саноат корхоналарининг ҳали ҳам анча кўп эканлиги социалистик жамғармаларни тобора кўпайтиришга катта халақит бермоқда.

Кўпгина корхоналар, конструкторлик ва тадқиқот ташкилотлари, халқ хўжалиги кенгашлари янги техникани вужудга келтириш ва уни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вақтида бу техниканинг самарали бўлишини, уни тайёрлаш учун бўладиган сарфларни ва унинг эски техникага нисбатан афзалликларини иқтисодий жиҳатдан таҳлил этмайдилар. Бунинг натижасида

(Давоми учинчи бетда).

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ САНОАТ ВА ТРАНСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЭНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА

(Боши иккинчи бетда).

янги машиналарни қўлланиш бир қанча ҳолларда иқтисодий жиҳатдан манфаат келтирмайди. Транспортнинг ишида юк ташиш қимматини камайтириш учун жуда узоқ жойларга ташиш, муқобил ташиш ва бошқа хилдаги ўринсиз ташишларга барҳам бериш каби катта резервдан ҳали ҳам сўст фойдаланилмоқда. Юк ташиш транспорт турлари бўйича нотўғри тақсимланаётганлиги орқасида харажатларнинг анча кўпайиб кетишига йўл қўйилмоқда.

Бундай нуқсонларнинг рўй бераётганлигига сабаб шуки, раҳбар хўжалик кадрларимизнинг баъзилари корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг якунларини чуқур таҳлил этмаётирлар, сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун керакли резервларни қидириб топмаётирлар, меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларнинг қанча сарф қилиниши билан ҳисоблашмай, план ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бажарилса бас, деган ярамас практикага йўл қўймоқдалар.

План ва хўжалик органлари халқ хўжалик плани кўрсаткичларини такомиллаштириш билан етарли даражада шуғулланмаётирлар. Планлаштириш практикасида асосий фондлардан корхоналарда ҳам, саноат тармоқларида ҳам фойдаланиш ҳисобга олинмаётир, пландаги баъзи кўрсаткичлар корхоналар ишининг иқтисодий натижаларини аниқ акс эттирмаётир, соҳалараро ва районларароо мавжуд ишлаб чиқариш алоқалари ва улар ўртасида вужудга келаётган янги ишлаб чиқариш алоқаларини таҳлил этиш қануни сўст қўйилган.

Экономист олимлар планлаштириш методологиясини ишлаб чиқишга, сарф қилинадиган капитал маблағларнинг самарасини ошириш, асосий фондлар ва оборот фондларидан рационал фойдаланиш масалаларига ва хўжалик қурилишининг практикаси илгари сураётган бошқа масалаларга кам эътибор бермоқдалар.

Моддий ресурсларни сарфлаш ва меҳнат сарфларининг техника ҳамда иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган нормаларини вужудга келтириш ва жорий қилиш соҳасидаги ишлари жиддий суратда яхшилаш талаб этилади. Амалдаги нормаларнинг кўпи ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасига тўғри келмайди ва иқтисодий тежашни амалга оширишга ёрдам бермайди. Улгуржи нархлар ва тарифлар ҳам кўп жиҳатдан эскириб қолган. Уларнинг талайгина қисми кейинги йилларда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва уни янги техника билан таъминлашдаги ўзгаришларни акс эттирмаётир, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатларига тўғри келмай қолди.

Кўп корхоналарда, хусусан ҳунармандчилик кооперацияси ва маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқариш маданияти паст даражада бўлиб, улар стандартларга ва техника шартларига, пухта ишланиши, яхши пардоз берилиши юзасидан белгиланган даражага ва хизмат кўрсатиш муддатларига тўғри келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Корхоналар ва халқ хўжалиги кенгашларининг баъзи раҳбарлари планнинг миқдор кўрсаткичларини бажариш пайига тушиб, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш вазифасини назар-эътиборга олмайдилар, эскириб қолган нусхалардаги маҳсулот чиқарилишига тоқат қилиб келмоқдалар, машиналарни, станокларни ва ускуналарни тайёрлаш вақтида металл ва бошқа материалларни камроқ сарф қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар, ана шу машина-станок ва ускуналар кўпинча ҳажми жуда катта ва кам унумли бўлади.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми меҳнат унумдорлигини тез ва узлуксиз ошириш, социалистик жамғармаларнинг юксак суръатлари мамлакатимизнинг олға ҳаракат қилиб боришини тезлатиш учун, халқ хўжалигини янада юксалтириш ва совет халқининг турмуш даражасини ошириш учун ҳал қилувчи шарт эканлигига эътиборни жалб этади.

Аҳолидан олинадиган солиқлар аста-секин бекор қилинаётган ва давлат заёмларини чиқариш тўхтатилган ҳозирги шароитда социалистик хўжаликнинг жамғармалари ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш ва совет кишиларининг фаровонлигини оширишнинг бирдан-бир манбаи бўлиб қолаётган ҳозирги шароитда саноат ва транспорт ишида сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун кураш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий Комитетнинг Пленуми партия, хўжалик ва касаба союз ташкилотларига халқ хўжалигининг барча бўғинларида иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш соҳасидаги ишни кучайтириши, капитал маблағлардан, меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан самаралироқ фойдаланиш, маҳсулот единицасини ишлаб чиқариш учун ижтимоий меҳнат сарфини максимал даражада камайтиришга эришишни таклиф этди. Хўжалик ҳисоби, рентабеллик, нарх, фойда ва сўм билан контроль қилиш каби иқтисодий воситалардан кўпроқ фойдаланиш зарур.

Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликлар ва бошқармаларга меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархини камайтириш ва жамғариш планларини бажармаётган корхоналардаги аҳволни пухта текшириб чиқиш, уларнинг қолоқлик сабабларини аниқлаш, барча корхоналарнинг планни ҳамма сифат кўрсаткичлари ҳамда давлат олдидаги молиявий мажбуриятлар бўйича бажаришларини таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

2. СССР Давлат иқтисодий кенгашига, СССР Госпланига, СССР Фанлар академиясига ва СССР Марказий статистика бошқармасига иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари ва министрликлар билан биргаликда асосий фондлар ва оборот фондларидан самаралироқ фойдаланишда, керакли ассортименддаги ва юқори сифатли маҳсулот чиқаришда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришда корхоналар ҳамда халқ хўжалик кенгашларининг манфаатдорлигини оширишни кўзда тутиб, давлат плани кўрсаткичларини тобора такомиллаштириш юзасидан, шунингдек районларнинг хўжалигини комплекс ривожлантиришни планлаштиришни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва бу таклифларни 1961 йил 1 мартгача СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

СССР Давлат иқтисодий кенгашига саноат тармоқлари ва районлар бўйича ишлаб чиқариш алоқаларини ўрганиш ва бу алоқаларнинг энг самарали турларини аниқлаш, умумиттифоқ миқёсида меҳнат тақсимоти асосида иқтисодий районларнинг корхоналарини ихтисослаштириш тадбирларини, иқтисодий районларнинг ўзида саноатни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг рационал формаларини ишлаб чиқиш ва шу тариқа бу формаларни халқ хўжалигини ривожлантиришни планлаштиришга бундан буён асос қилиб олиш топширилсин.

3. СССР Госпланига иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари, СССР Министрлар Советининг саноат ва қурилиш тармоқлари бўйича Давлат комитетлари, СССР министрликлари ва бошқармалари билан биргаликда моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини, шунингдек халқ хўжалигининг барча бўғинларида оборот маблағлари ва товар, моддий бойлик запасларини нормалаштиришни тубдан яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни олти ой ичида ишлаб чиқиш ва СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин. Натура балансларини ва қиймат балансларини, ҳусусан машина-ускуна балансларини ишлаб чиқиш практикаси кенгайтирилсин.

1961—62 йилларда ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг улгуржи нархларини қайтадан кўриб чиқиш зарур деб топилсин ва бунда нархларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга бўладиган харажатларни аниқ акс эттириши ва саноатни янада ривожлантириш учун зарур жамғармаларни таъминлаши кўзда тутилсин.

СССР Давлат иқтисодий кенгашига ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига янги улгуржи нархлар белгилашнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ва шу масала ҳақидаги таклифларни СССР Молия министрлиги билан биргаликда СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

4. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, халқ хўжалиги кенгашлари ва бошқармаларга машина ва ускуналарнинг, технология процессларининг лойиҳалари, конструкцияларининг сифат даражасини ошириш учун, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг хилларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксак даражага кўтариш учун корхоналар, конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари раҳбарларининг, барча инженер-техник ходимларнинг жавобгарлигини оширишни топширади. Технология режимларидан ҳар қандай йўл билан четга чиқиб кетишга қарши ва техника шартларининг бузилишига қарши, завод маркасининг шуҳрати учун қатъий кураш олиб бориш зарур.

Саноат хомашёсини қазиб чиқариш ва ташиш ишларини техника жиҳатидан такомиллаштиришга, бу хомашёни тайёрлаш ва бойитишни яхшилашга алоҳида эътибор берилиши керак. Бу чора асосий фондлардан самаралироқ фойдаланиш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш имконини беради ва хомашё ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг ҳали ҳам кўп нобуд қилинаётганлигига чек қўйишга ёрдам беради.

Белгилаб қўйилсинки, корхоналар ва қурилишларнинг хўжалик фаолиятига баҳо бериш ҳамда социалистик мусобақа якунларини тўплаш вақтида план топшириқларининг ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортименти ва унинг сифатини яхшилаш бўйича бажарилиши энг муҳим кўрсаткич сифатида ҳисобга олиниши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми фақат аъло сифатли маҳсулот чиқаришга эришган илғор корхоналарнинг ташаббусини маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди ҳамда ана шу қимматли тажрибани кенг ёйишни тавсия этади.

СССР Госпланига ва СССР Министрлар Советининг Автоматлаштириш ва машинасозлик давлат комитетига иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари билан биргаликда контроль операцияларни механизациялаш ва автоматлаштириш сохасидаги ишларни бажариш учун зарур бўлган автоматлар ва контроль-ўлчов приборлари номенклатурасини ва уларга бўлган эҳтиёжни белгилаш топширилсин ва йиллик халқ хўжалиги планларида ана шу машина-ускуналарни зарур миқдорда ишлаб чиқариш кўзда тутилсин.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги стандартлар, тош-тарози ва ўлчов асбоблари комитетига иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилашда стандартлар ва техника шартларининг ролини оширишни кўзда тутиб, халқ хўжалигида стандартлашни яхшилаш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиб, 1960 йил 1 ноябргача СССР Министрлар Советига тақдим этиш таклиф қилинсин.

IV. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кенгайтирайлик, совет кишиларининг доимо ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондирайлик

КПССнинг XXI съезди халқ бахти-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни Коммунистик партия ва социалистик давлат фаолиятининг олий қонуни деб ҳисоблаб, аҳоли жон бошига саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан тарихан жуда қисқа вақт ичида ўзиб кетиш ва совет кишиларининг ҳунёда энг юксак турмуш даражасига эришишларини таъминлаш вазифасини қўйди.

Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети ленинча бош йўлни изчиллик билан ўтказиб, оғир саноатни газ суръатлар билан ривожлантириб, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришни таъминлаб, кейинги йилларда меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг фаровонлигини янада оширишга қаратилган катта тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Ўтган 7 йил ичида мамлакатимиздаги ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари 45 процент, деҳқонларнинг даромадлари эса 64 процент кўпайди. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари яхши овқатланадиган, юқори сифатли ва чиройли кийим-кечак, пойафзал, мебель, телевизорлар, радиоприёмникларни ва маданий-маиший эҳтиёжларга хизмат қиладиган бошқа молларни ва уй-рўзғор буюмларини кўпроқ сотиб оладиган бўлиб қолдилар. 1959 йилда аҳоли жон бошига истеъмол қилинган газлама 1953 йилдагига нисбатан 22 процент, пойафзал 40 процент, қанд-шакар 35 процент, гўшт ва ёғ 30 процент, сут ва сут маҳсулотлари 39 процент, тухум 46 процент, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 29 процент кўпайди.

Етти йилликнинг контроль рақамларига мувофиқ енгил ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришнинг кенг программаси амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил июнь Пленуми тўқимачилик саноатини жадал ривожлантиришни кўзда тутган ва газлама, трикотаж буюмлар ва тўқимачилик саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш юзасидан етти йиллик план топшириғини муддатидан илгари бажариш имконини берадиган тадбирларни ишлаб чиқди. Кимёвий тола, пластмассалар ва бошқа синтетик материаллар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун керакли хомашёнинг жуда катта манбаидир. КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил май Пленумининг қарорига мувофиқ ана шу материаллар тобора кўп ишлаб чиқарилмоқда. Бу йил мамлакатда қарийб 8 миллиард метр (6 миллиард квадрат метрдан кўпроқ) газлама ишлаб чиқарилади, яъни Франция, Англия ва Ғарбий Германияни бирга қўшиб ҳисоблаганда уларда тайёрланаётганидан кўпроқ газлама ишлаб чиқарилади.

Қанд саноатининг ходимлари ўтган йили шундан аввалги 5 йилдагига нисбатан кўпроқ янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширдилар ва 6 миллион тонна қанд-шакар тайёрладилар. Картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайиб бормоқда. Холодильниклар, кир ювиш ва тикув машиналари, телевизорлар, пластмассалардан ва синтетик материаллардан буюмлар ҳамда аҳоли учун керакли бошқа моллар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар сони ортиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда анча катта муваффақиятларга эришилганлигини таъкиллаш билан бирга баъзи партия, совет ва хўжалик ташкилотлари бу ишга тегишинча эътибор бермаётирлар, енгил, озиқ-овқат саноати ва мебель саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётирлар, деб ҳисоблайди. Халқ хўжалиги кенгашлари янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмаётганликларини ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган ҳамда рўзғор учун жуда зарур бўлган моллар чиқаришни турли баҳоналар билан тўхтатиб қўяётганликларини кўрсатадиган фактлар бор. Маиший хизмат кўрсатишнинг уюштирилиши аҳолининг ўсиб бораётган талабларига ҳали ҳам жавоб бермаётир. Меҳнаткашлар кўпинча кийим-кечакни ўз вақтида тиктириш, ремонт қилиш, кимёвий тозалаш ва дазмоллаш, пойафзал, радиоприёмниклар, телевизорлар, холодильниклар ва ҳоказоларни вақтида ремонт қилдириш имкониятига эга эмаслар.

Ҳозирги вақтда етти йиллик план топшириқларининг муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажарилаётганлиги натижасида газлама, трикотаж ва кийим-кечак, пойафзал, озиқ-овқат ва бошқа молларни ишлаб чиқаришни тезроқ кенгайтириш учун, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш вазифасини аввалги мўлжалдагига нисбатан қисқароқ вақт ичида бажариш учун шарт-шароит вужудга келмоқда. Шу мақсадда тўқимачилик ва пойафзал саноатини, уларнинг ҳомашё ва машинасозлик базасини ривожлантириш учун қўшимча жамғармалар ҳисобига контроль рақамларда кўзда тутилган миқдордан ташқари 25 — 30 миллиард сўм капитал маблағ ажратилади.

1. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш программасини амалга ошириш ҳақида КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети бешинчи сессиясида қилган докладида баён этилган таклифларни маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети Пленуми СССР Давлат иқтисодий кенгашига, СССР Госпланига ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш конкрет тадбирларини белгилаш вақтида қўшимча ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва сиёсий жиҳатдан ҳамда давлат нуқтаи-назаридан ғоят муҳим бўлган ана шу вазифани сўзсиз ҳал этишга асосланиб иш кўришни топширади.

2. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет ва хўжалик ташкилотларига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнаткашларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишни таклиф этади. Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область партия комитетлари, область ва ўлка ижроия комитетлари, халқ хўжалиги кенгашлари енгил, озиқ-овқат саноати ва мебель саноатининг янги корхоналарини қуришга, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга, сунъий толаларни ва чармнинг ўрнини босадиган материалларни, юқори сифатли бўёқ ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътиборни кучайтиришлари лозим. Ишни шундай ташкил этиш зарурки, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш жойлардаги партия, совет ва хўжалик органларининг доимий иши бўлиб қолсин, ҳар бир республика, ҳар бир областда, ҳар бир иқтисодий районда аҳолига зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқариш учун машинасозлик, металлургия, электротехника, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари корхоналарининг ҳамма имкониятларидан фойдаланилсин. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шоҳобчаларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишини яхшилаш чоралари кўрилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми маиший хизмат кўрсатадиган машиналар — автомобиллар, кир ювиш машиналари, пилесослар ва техниканинг бошқа турларидан фойдаланишнинг жамоат формаларини ривожлантиришга алоҳида эътиборни жалб этади. Шу мақсадда маиший хизмат кўрсатадиган техника прокат пунктларини вужудга келтириш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш соҳасидаги ишларни давом эттириш зарур.

3. СССР Госпланига ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига енгил ва озиқ-овқат корхоналари учун керакли машина-ускуналарни ишлаб чиқариш ва тақсимлашни планлаштиришда тартиб ўрнатиш таклиф қилинсин. Бунда ана шу саноат тармоқларида қурилаётган барча объектларнинг ана шу машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлаш, машина-ускуна тайёрлайдиган заводларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, яқин 2 — 3 йил ичида бир қанча машинасозлик заводларини мебель корхоналари учун замонавий машина-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш кўзда тутилсин. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш ва маданий-маиший моллар ҳамда рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш учун ихтисослаштирилган янги цехларни ташкил этиш, шунингдек савдо корхоналари учун керакли автоматлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадбирларни ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

4. Ишлаб чиқариш ва реализация харажатларини камайтирган ҳолда аҳолининг турли-туман молларга бўлган эҳтиёжларини тўла ва ҳар томонлама қондириш манфаатларини кўзлаб, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми барча саноат корхоналари, халқ хўжалиги кенгашлари, план ва савдо органларининг раҳбарларидан аҳолининг халқ истеъмоли моллариga бўлган талабларини эътибор билан ҳар томонлама ўрганиб чиқишни, корхонани ихчам ва чиройли янги газламалар, кийим, пойафзал ва трикотаж моделларини, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган энг янги буюмлар ва рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришга тезроқ мослаштиришни, аҳоли сотиб олмайдиган моллар ишлаб чиқаришни ўз вақтида тўхтатиб қўйишни талаб этади.

5. Ўзлари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари хилларини яхшилашдан саноат корхоналари коллективларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида СССР Госпланига ва СССР Молия министрлигига иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари иштироки билан халқ истеъмоли моллларининг улгуржи нархларини белгилаш ва чакана нархларини ўзгартириш практикасини яхшилаш тўғрисидаги таклифларни уч ой ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин, токи нархлар молларни тайёрлашдаги қийинчиликларни ва аҳолининг молларга бўлган талабларидаги ўзгаришларни тўлароқ акс эттирсин. Нархларни қараб чиқиш ва тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни оператив ҳал этишга эътибор берилсин.

V. Партия ташкилотларининг саноат ва транспортга раҳбарлигини доим яхшилаб борайлик

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат билан қайд қиладики, етти йиллик планни амалга ошириш соҳасида эришилган муваффақиятлар саноат, қурилиш ва транспортга партия раҳбарлиги даражаси ошганлигидан далолат беради. Партия ташкилотлари корхоналарнинг ишига жиддий эътибор бериб, техникани тараққий эттириш, маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш масалалари билан конкрет шуғуллана бошладилар. Бошланғич партия ташкилотларида маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини контроль қилиш юзасидан тузилган комиссиялар ижодий ташаббусни ўстиришга, коммунистларни ва партиясизларни қуйидан актив жамоат контролига жалб этишга, интизомни тобора мустаҳкамлашга ва давлат планларини бажариш учун янги техникани жорий қилиш ва ўзлаштириш учун корхона раҳбарларининг жавобгарлигини оширишга ёрдам бермоқда. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшиладилар, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг ватанпарварлик ҳаракати тобора кўпроқ ривожланмоқда.

Шу билан бирга Марказий Комитет Пленуми кўпгина маҳаллий партия органлари ва бошлангич партия ташкилотлари партиянинг техника тараққиётини тезлаштириш ва саноат ҳамда транспорт ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳақидаги директиваларини амалга ошириш учун етарли даражада сабот билан кураш олиб бормаётирлар, ишлаб чиқариш планларини бажармаётган корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмаётирлар, давлат интизомининг бузилиш ва маҳаллийчилик кўринишлари фактларига қарши ҳамма вақт ҳам ўз вақтида ва кескин чора кўраётганлари йўқ, деб ҳисоблайди.

Бутун совет халқи етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун зўр ғайрат билан курашаётган, халқ хўжалигини илғор техника билан кенг миқёсда таъминланаётган ҳозирги пайтда хўжалик қурилишининг амалий вазифаларини ҳал этишда партия ташкилотларининг роли тобора ортади. Партия ташкилотлари саноат, қурилиш ва транспорт ишларига доир масалалар билан чуқур, конкрет равишда ва ишнинг кўзини билиб шуғулланишлари, консерватизм ва қолоқликка қарши қатъий кураш олиб боришлари, ишлаб чиқариш новаторлари, илғорларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари ҳамда уларнинг тажрибаларини кенг ёйишлари лозим.

1. Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошлангич партия ташкилотларига омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада кенг ривожлантириш, меҳнаткашларнинг етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга, техника тараққиёти суръатларини тез ва ҳам тезлаштиришга, саноат ва транспорт ишларининг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган зўр ғайрати ва ташаббусига бошчилик қилиш топширилсин.

Партия ташкилотлари бутун ташкилотчилик фаолиятининг асосий мазмуни партия ва ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилиши лозим. В. И. Ленининнинг инчанлик, ишда конкретлик ва бир мақсадни кўзда тутиш ҳақидаги қарорларнинг ижросини текшириш тўғрисидаги, партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларига доим амал қилмоқ зарур. Партия органлари ишлаб чиқариш техникаси ва экономикасини яхши билишлари, кадрларни моҳирлик билан танлаб жой-жойига қўя билишлари, иш услуби ва методларини доим такомиллаштиришлари, ҳар бир коллективда ижодий меҳнат ва зўр ғайрат билан ишлаш муҳитини вужудга келтиришлари лозим. Район, шаҳар, область партия комитетлари ва иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг ходимлари ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар билан тобора кўпроқ алоқа боғлаб, улар билан маслаҳатлашиб туришлари, Партия ва Ҳукуматнинг қарорларини уларга тушунтириб беришлари керак.

Партия органлари давлат планларини бажариш учун, фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илғор иш тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун саноат ва транспортнинг раҳбар кадрларига нисбатан талабчанликни оширишлари, уларни партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида, топширилган иш учун юксак жавобгарлик ва камчиликларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш руҳида тарбиялашлари керак. Шу билан бирга партия комитетларининг кераксиз ва сийлик қилиш, хўжалик органлари ва уларнинг раҳбарларининг майда-чуйда ишларига аралашишлари, уларнинг ўрнини босишлари каби ҳолларга қатъий чек қўйиш лозим.

Партия комитетлари саноат ва транспортга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ҳамма ишларида бошланғич партия ташкилотларига таянишлари, уларнинг активлигини доим оширишлари, уларнинг кўпроқ мустақил иш кўришларини таъминлашлари, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ташаббусини кучайтиришлари ва ташкилотчилик ролини оширишлари лозим. Бошланғич партия ташкилотларининг корхона маъмурияти фаолиятини контроль қилиш комиссияларининг ишини бутун чоралар билан қўллаб қувватлаш ва бу соҳада йўл-йўриқ кўрсатиш, бу ишдаги ижобий тажрибани, шунингдек корхоналарнинг муваффақиятли ишлаши ҳамда техникани тараққий эттириш йўлидаги курашда жамоатчиликни қатнаштиришнинг янги формаларини умумлаштириш ва ёйиш керак.

2. Марказий Комитет Пленуми партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларига социалистик мусобақага раҳбарликни яхшилашни, мусобақани бутун чоралар билан ривожлантиришни, меҳнаткашларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришлари учун шарт-шароит вужудга келтиришни, мусобақа якунларини мунтазам тўплаб бориб, ҳаммага маълум қилишни таъминлашни таклиф этади. Иқтисодий районлар ўртасидаги мусобақа ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин. Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини ўрганиш, пропаганда қилиш ва жорий қилишга алоҳида эътибор берилсин, қолоқ корхоналар, қолоқ цех, бригадалар ва айрим ишчиларга ёрдам берилсин ҳамда улар илғорлар даражасига етказилсин. Валентина Гаганова ва унинг жуда кўп издошларининг ватанпарварлик ташаббусини оммалаштириш — бу вазифани ҳал этишнинг муҳим воситасидир.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ҳаракатини янада ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш, бу ҳаракат қатнашчиларининг сафини кенгайтириш, ана шу ажойиб ҳаракатни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантириш зарур. Коммунистлар ва комсомоллар бу ҳаракатнинг биринчи сафларида боришлари ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда шахсан намуна кўрсатишлари керак.

3. Партия ташкилотларининг эътибори саноат ва транспортни ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда касаба союзларининг ролини янада ошириш зарурлигига жалб этилсин. Касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш учун ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга оширишда, барча ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига кўчиришни 1960 йилда тугаллаш ва иш ҳақини тартибга солиш тадбирларини муваффақиятли амалга оширишда кўпроқ ташаббус ва сабот-матонат кўрсатишлари лозим. Касаба союзлари ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қандай ҳолатда эканлиги устидан контролни кучайтиришлари, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари керак.

4. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ёшларнинг энг янги техникани, билим ва маданиятни эгаллаш учун, металлургия, кимё, нефть, газ саноати ва темир йўл транспортининг энг муҳим объектлари қурилишини тезлатиш учун оммавий ҳаракати жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Марказий Комитет Пленуми комсомолнинг цемент саноатини ва пайвандлаш саноатини ривожлантириш ишларини оталикка олиш соҳасидаги ташаббусини маъқуллайди.

Партия, хўжалик ва комсомол ташкилотлари ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада актив жалб этишлари, ишлаб чиқариш касбларини тезроқ эгаллашда уларга ёрдам беришлари, унумли меҳнатни ўқиш билан тўғри қўшиб олиб боришларига эришишлари зарур.

5. Барча партия органларига қолоқ корхоналарни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида КПСС XXI съезди қўйган вазифани тезроқ ҳал этиш, тажрибали раҳбарларнинг ишлаб чиқаришдаги қолоқ участкаларга ўтишларини рағбатлантириш, қобилиятли ёш мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтариш таклиф қилинсин. Экономикани, янги техникани яхши биладиган ва ишлаб чиқаришни янгича ташкил эта оладиган сергайрат кишиларнинг ҳар бир корхона, ҳар бир цехга раҳбарлик қилиши таъминлансин.

(Охири тўртинчи бетда).

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ САНОАТ ВА ТРАНСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЭНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА

(Боши учинчи бетда)

Партия ташкилотлари саноат ва транспорт кадрларининг ишчанлигини ошириш, уларнинг фан ва ишлаб чиқаришнинг янги техникаси, экономикаси соҳасида қўшимча билим ҳосил қилишлари учун шарт-шароит вужудга келтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари керак. Янги техникани жорий қилиш планларини тузган вақтда ана шу планларнинг бажарилишини таъминлайдиган ишчи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини ҳам ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

6. Марказий Комитет Пленуми саноат ва қурилишни бошқаришда халқ хўжалиги кенгашлари катта ва самарали роль ўйнаётганликларини таъкидлаш билан бирга партия ва совет органларига халқ хўжалиги кенгашлари фаолиятини яхшилаш, бошқарув аппаратининг тузилишини ихчамлаштириш ва уни арзонлатиш соҳасидаги ишларни давом эттиришни топширади. Халқ хўжалиги кенгашларининг раҳбар ходимлари, мутахассислари бевосита корхоналарнинг ўзида ташкилотчилик иши билан кўпроқ шуғулланишлари, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда уларга ёрдам беришлари керак. Бир қанча халқ хўжалиги кенгашларида корхоналарнинг энг зарур эҳтиёжларини ҳал этишга канцеляриячилик-бюрократик муносабатда бўлиш каби ҳолларга барҳам бериш, ишлаб чиқариш ходимларининг кенгаш ва мажлисларда, турли маълумот ва справкалар тузишда қатнашиш учун кўп вақт сарф қилишга мажбур бўлишлари каби практикани бартараф қилиш зарур.

7. Марказий Комитет Пленуми етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий иш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари оммавий-сиёсий ишни турмуш билан, саноат ва транспортни кучли суратда юксалтириш, техника тараққиётини тезлаштиришнинг амалий вазифаларини ҳал этиш билан маҳкам боғлаб олиб боришни қатъий таъминлашлари лозим. Матбуот, радио ва телевидениедан кенг фойдаланиш, лекциялар, докладлар ўтказиш ва бошқа оммавий тадбирлардан фойдаланиш билан бир қаторда кишилар билан якка-якка суҳбат қилишга, ҳар бир киши билан сиёсий иш олиб боришга катта эътибор бериш ҳам лозим. Корхоналарда агитация-оммавий ишни шундай уюштириш керакки, бу иш ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг онги ҳамда активлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга доим ёрдам берсин.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотларини, барча коммунистларни, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни техника тараққиётини янада тезлатиш учун, саноат ва транспортнинг ишида сифат кўрсаткичларини ошириш учун, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда ижодий ташаббусни тағин ҳам юксак поғонага кўтаришга чақиради. Пленум ишонч билдириб айтадики, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, бутун совет халқи мамлакатимизда коммунизм қурилишида янгидан янги буюк ғалабаларга эришмоқ учун бутун чораларни кўрадилар.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ БУХАРЕСТДАГИ КЕНГАШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1960 ЙИЛ 16 ИЮЛДА БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН РЕЗОЛЮЦИЯСИ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Бухарестдаги Кенгаши якунлари тўғрисида ўртоқ Ф. Р. Козлов докладини тинглаб, шу кенгашда ўртоқ Н. С. Хрущев бошчилигида қатнашган КПСС делегациясининг сиёсий йўлини ва фаолиятини ҳамда Кенгашнинг Ахборотини батамом ва тўла равишда маъқуллайди.

Кенгаш коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг ҳозирги замоннинг халқаро аҳволига доир актуал масалалар устида ҳамда жаҳон коммунистик ҳаракати учун шу аҳволдан келиб чиқадиган вазифалар устида фикрлашиб олишларига имкон берди. Кенгаш шу нарсани алоҳида куч билан таъкидладики, коммунистик ва ишчи партиялар КПСС XX ва XXI съездларининг тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида халқаро вазиятга жуда катта таъсир ўтказган хулосаларини, қардош партияларнинг 1957 йил кузида Москвадаги Кенгашларида қабул қилинган Декларация ва Тинчлик манифести принципларини якдиллик билан қувватламоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳозирги замон вазиятидаги энг муҳим масалаларда якдиллик билан бир позицияда турганликлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизмга содиқлигини, барча қардош партияларнинг жаҳон социалистик лагерининг жипслигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини кўз қорачиғидай сақлашга тайёр эканликларини кўрсатувчи янги далилдир. Коммунистик ва ишчи партиялар марксизм-ленинизм таълимотидан ревизионистик, догматик тарзда ва сўл сектантчилик тарзида чекинишларга, тор миллатчилик тенденцияларининг кўринишларига зарба беришга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини, марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришга ва уни амалда моҳирлик билан татбиқ этишга қаттиқ бел боғлаганликларини таъкидладилар.

КПСС Марказий Комитети ҳозирги замон коммунистик ва ишчи ҳаракатининг хартияси, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда бу ҳаракатнинг программаси бўлган Декларация ва Тинчлик манифести принципларига ўзининг содиқлигини таъкидлайди.

Декларациянинг ва Тинчлик манифестининг ҳамма хулосалари халқаро воқеаларнинг, жаҳон социалистик системаси мамлакатлари тараққиётининг бориши билан исботланди ва ўз кучини тўла равишда сақлаб қолмоқда. Декларациянинг давримизнинг характери тўғрисидаги, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва урушларнинг олдини олиш мумкинлиги тўғрисидаги, империализм мавжуд бўлиб турган шароитда агрессив урушлар учун замин сақланиб қолаётганлиги сабабли, уруш хавфига нисбатан халқларнинг ҳушёрлигини сақлаб туриш зарурлиги тўғрисидаги, турли мамлакатларнинг капитализмдан социализмга ўтиш формалари тўғрисидаги марксча-ленинча хулосалари ҳозирги замон вазиятида халқларнинг тинчлик, демократия ва социализм йўлида муваффақиятли кураш олиб боришлари учун, айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Коммунизм қуришни кенг авж олдириш даврига кирган Совет Иттифоқининг тарихий муваффақиятлари ва бутун жаҳон социалистик системасининг қудрати ўсганлиги, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар тинчлик ва халқлар дўстлиги учун, агрессив, империалистик кучларга қарши изчил кураш олиб бораётганликлари, ишчи, коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари натижасида социализм позицияси тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда, империализм позицияси тобора кўпроқ заифланмоқда, тинчлик, демократия ва социализм кучлари ҳамма жойда ўсмоқда ва активлашмоқда.

КПСС Марказий Комитети капиталистик мамлакатларнинг ва, аввало, АҚШнинг агрессив империалистик доиралари халқларнинг иродаси билан ҳисоблашмай, халқаро кескинликнинг юмшашига халақит беришга интилаётган ва тинчлик ишига қарши ўзларининг қўпорувчилик фаолиятларини кучайтираётган, Америка империалистлари юксак доирадаги кенгашни барбод қилган шароитда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ҳукумати империалистларнинг ҳамма найрангларини ва агрессив қора ниятларини бундан буён ҳам ҳормай-толмай фош қила беришлари, халқларнинг ҳушёрлигини оширишлари, мамлакатимизнинг қудратини мустаҳкамлай беришлари ва мамлакатимиз мудофаасини такомиллаштира беришлари, низоли халқаро проблемаларни тинч йўл билан бартараф қилишга эришиб, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашига қаратилган ленинча йўлни қатъият ва изчиллик билан ўтказа беришлари лозим, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети Бухарестдаги Кенгашда қатнашган коммунистик ва ишчи партияларнинг, тинчлик учун кураш коммунистик ҳаракатнинг биринчи даражадаги вазифаси бўлиб қолмоқда, деган фикрига ўзининг тўла равишда қўшилганлигини билдиради. Тинчлик манифестининг «эндиликда урушга йўл қўймаслик мумкин, тинчликни сақлаб қолиш мумкин» деган хулосаси бизнинг шу кунларимизда ўз кучини тўла равишда сақлаб қолмоқда.

Жаҳон социалистик лагерини мустаҳкамлаш, ҳамма халқларни тинчлик учун курашга сафарбар қилиш инсониятни қирғин урушлардан халос қилишнинг асосий шартидир. Ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган жаҳон социализм системаси жаҳон тараққиётининг боришига тинчлик ва социализм фойдаси йўлида катта таъсир ўтказмоқда, тинчлик, тараққиёт ва халқлар эркинлигининг мустаҳкам таянчи бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида социалистик лагернинг ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай курашишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Коммунистик партияларнинг марксизм-ленинизм таълимотининг софлиги учун, ревизионизмга қарши, догматизмга ва сектантликка қарши кескин кураш олиб борганлиги жаҳон коммунистик ҳаракатининг янада жипслашувига, бу ҳаракат сафларининг мустаҳкамланишига ва бу ҳаракат сафларини оппортунистик унсурлардан тозалашга ёрдам берди. Коммунистик ва ишчи партиялар олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш марксизм-ленинизмнинг ижодий характерига зид бўлган ва социалистик лагернинг, революцион ишчи ва озодлик ҳаракатининг ҳамма кучларини тинчлик ва социализм учун, империализмга қарши курашга сафарбар қилишга халақит бераётган ревизионизмга, догматизмга ва сектантчиликка қарши курашни бундан буён ҳам давом эттиришни талаб қилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқимизни мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун, бутун дунёда тинчлик учун, жаҳон социалистик системасини, халқаро коммунистик ҳаракатнинг қардошларча бирлигини ва жипслигини янада мустаҳкамлаш учун, марксизм-ленинизмнинг тантанаси учун ҳормай кураш олиб боришнинг ленинча йўлидан олға томон бундан буён ҳам оғишмай олиб боради.

АҚШ ҲУКУМАТИГА СССР ҲУКУМАТИНИНГ МЕМОРАНДУМИ

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 13 июлда АҚШнинг СССРдаги мувaққат ишлар вакили Э. Л. Фриирс жанобларига Америка ҳарбий самолётларининг очиқ денгиздаги совет кемалари устида йўл қўйиш мумкин бўлмаган иғвогарлик учишлари муносабати билан Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига ёзган меморандумини топширди.

Меморандумда айтиладики, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Тинч ва Атлантик океанларда, Ўрта денгиз ва бошқа денгизларда совет савдо ва промисло кемалари устида систематик суратда айланиб учиб юришни давом эттирмоқдалар. Халқаро программаларга мувофиқ, жаҳон океанининг турли районларида илмий иш олиб бораётган СССР Фанлар академиясининг тадқиқотчи кемалари устида ҳам самолётлар шундай айланиб учмоқдалар. Самолётлар одатда кемалардан хавфли яқинликда пастлаб учмоқдалар, кўпинча кемаларга шўнғимоқдалар, бомба ташлаш ва торпеда ташлашга ўхшаган ҳаракатлар қилмоқдалар, кемаларга бевосита яқин жойларга ҳаракат қилувчи ҳар хил буюмлар ва ёндирувчи воситалар ташламоқдалар, шунингдек йўл қўйиб бўлмайдиган бошқа ҳаракатлар қилмоқдалар.

Меморандумда 1960 йил май ва июнь ойларида Америка самолётларининг совет кемалари устида айланиб учишга доир конкрет ҳодисалар келтирилади ва шу йилнинг беш ойи мобайнида бундай учишлар 250 дан кўп марта рўй берганлиги таъкидланади.

Меморандумда таъкидланадики, бу ҳол халқаро денгиз йўлларида кемаларнинг нормал қатнови учун тўсқинлик туғдирмоқда, қатнов хавфсизлигини бевосита таҳлика остига қўймоқда ва оғир аварияларга ҳамда кемаларнинг ва одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.

Қўшма Штатларнинг бундай ҳаракатлари очиқ денгизда кемалар қатнови эркинлигининг кўпдан буён қарор топган ва бир қанча халқаро битимлар билан тасдиқланган принципига путур етказади.

АҚШ ҳукумати очиқ денгизда кемалар қатнови эркинлиги ҳақида ҳамма эътироф этган принципнинг Америка ҳарбий авиацияси томонидан қўпол бузилишини АҚШ хавфсизлигининг манфаатларини важ қилиб оқлашга уринмоқда. Бироқ бундай важлар тамомила ўринсиздир ва ҳеч кимни чалғита олмайди.

Совет ҳукумати шу тўғрида огоҳлантирадики, АҚШ ҳарбий авиациясининг ҳаракатлари халқаро сувларда нормал бўлмаган ва аҳволни жиддий суратда мураккаблаштириши мумкин бўлган вазиятни туғдирмоқда. Совет ҳукумати совет кемалари устида самолётларнинг айланиб учишини қасддан қилинган ва давлатлар ўртасидаги нормал муносабатларга путур етказишга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари деб ҳисобламаслиги мумкин эмас.

Меморандумда айтилишича, совет кемалари устида бу хил айланиб учишлар Америка самолётларининг яқинда Совет Иттифоқи чегараларини қўпол суратда бузганларидек, Совет Иттифоқининг суверенитетини бузишга мўлжалланган сиёсат, халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилган сиёсат занжиридаги бўғинлардандир.

СССР ҳукумати Америка самолётларининг совет кемалари устида иғвогарлик мақсадида айланиб учишлари муносабати билан АҚШ ҳукуматига норозилик билдиради ва бундай учишларнинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилади. Америка авиациясининг юқорида кўрсатилган йўл қўйиш мумкин бўлмаган ҳаракатлари давом этадиган бўлса, дейилади меморандумда, у ҳолда Совет ҳукумати совет кемаларининг очиқ денгизда қатнови хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўришга мажбур бўлади.

* * *

14 июлда Буюк Британия, Канада, Франция, Норвегиянинг элчиларига ҳамда Даниянинг СССРдаги мувaққат ишлар вакилига шу мамлакатлар самолётларининг очиқ денгиздаги совет кемалари устида айланиб учишлари муносабати билан оғзаки баёнотлар берилди. Уларга СССР ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган меморандумининг нусхалари ҳам топширилди.

ДЎСТОНА МАСЛАҲАТЛАР

Тожикистонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси Самарқанд область пахта далаларида ҳам бўлиб, ўз мусобақадошларига дўстона маслаҳат бермоқдалар, илғорларнинг иш тажрибаларидан ўрганяптилар.

Пастдарғом районидаги Сталин номли, «Москва» ва «Ўзбекистон» колхозларида ғўзанинг аҳволи меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Бу колхозларда ғўзани кўндалангига ва узунасига ишлаш намунали давом эттирилмоқда. Пахтакорлар механизациядан тўла фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Меҳмонлар Сталин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хонбуви Имомова бошлиқ бригадасининг иши билан қизиқдилар. Бу бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун отланган. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада битта-иккитадан бўлиқ кўсак бор. Бригада аъзолари гулларни кўсакка айлантириш, кўсакларни эса тезроқ очилтириш чораларини кўрмоқдалар. Шу мақсадда культивация давом эттириляпти. Кетмондан воз кечиб, бутун ишлар техниканинг зиммасига юкланган.

Қардош республика пахтакорларининг вакиллари муваффақиятларини қайд қилиш билан бирга ғўза парваришидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб бердилар. «Коммунизм» колхозининг Ғайбулла Жабборов, Обулқосим Жўраев ва Ҳамидов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзанинг авжи жуда паст. Бу бригадаларда механизмлардан яхши фойдаланилмаяпти. Ғўза ўз вақтида озиқлантирилмаган, қаровсиз қолган экинни ўт босиб кетган ва айрим жойдаги ғўзага ҳашарот тушган. Колхоз правлениесининг раиси Маматқул Ниёзов ва бошланғич партия ташкилотининг секретари Р. Ҳасанов ўртоқлар ғўзани тезда ҳосилга киритиш тадбирларини кўрмаётирлар.

Райондаги айрим колхозларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш кучайтирилмаган.

Шу кеча-кундузда жазирама офтобда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган колхозчига барча қулайликларни яратиб бериш айниқса зарур. Лекин айрим колхоз раҳбарлари, чунончи, Карл Маркс номли колхоз правлениеси пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида яхши ўйламаётир. Болали аёллар учун қулай шароит яратиб берилмаган. Колхозчиларга ўз вақтида аванс бериб турилмайди.

Пастдарғомликлар бу йил мамлакатга 50 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Тожикистонлик мусобақадош дўстларимиз қандай қилинса ана шу мажбуриятнинг тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш мумкинлигини айтиб бердилар. Ўзбек пахтакорлари дўстона маслаҳатларни самимият билан қабул қилдилар.

А. УСМОНОВ.

Суратда: тожикистонлик **А. Убайдуллаев** ҳамда **О. Мирзаева** Пастдарғом районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи **Х. Имомова** (ўртада) билан суҳбатлашмоқдалар.

А. Свишчук фотоси.

БУ, ТАКРОРЛАНМАСИН!

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ижрочи президенти Жон Берналнинг баёноти

ЛОНДОН, 17 июль. (ТАСС). Лондонда Жаҳон Тинчлик Кенгаши ижрочи президенти профессор Жон Берналнинг қуйидаги баёноти эълон қилинди:

«Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиуми Америка разведкачи самолётининг Англиядаги базадан Совет Иттифоқининг осмонига бостириб кирганлигини зўр ташвиш билан қайд қилади.

«У-2» самолёти билан бўлган можародан атиги икки ой ўтганидан кейин рўй берган бу можаро Қўшма Штатлар маъмурларининг масъулиятни сезмай иғвогарлик мақсадида қилган ҳаракатларини ва базалар жойлашган мамлакатлар ҳукуматларининг ана шу ҳаракатларни очиқдан-очиқ маъқуллаётганликларини кўрсатувчи янги далилдир. Шу хилдаги можароларнинг такрорланиши ядро урушига олиб келиши мумкин.

Қўшма Штатлар разведкачи самолёти билан бўлган можаро халқаро кескинликни анча кучайтириб юборди. Бу можаро қуролсизланиш юзасидан янги кенгаш чақириш зарурлигини туғдирди ва бундай кенгашни дарҳол чақириш кераклигини кўрсатди. Бу кенгашни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган ва аъзо бўлмаган барча мамлакатларнинг иштироки билан ўтказиш лозим.

Бундай кенгашнинг муваффақиятли ўтказилиши атом қуролини элтиб қўювчи воситаларнинг тарқатилаётганлиги ва ана шу воситалар ҳаракат қила оладиган базаларнинг чет эл территорияларида вужудга келтирилаётганлиги туғдираётган хавфни тамомила ва бутунлай йўқотиш воситаси бўлур эди.

Аммо бундай чора кўрилмас экан, бутун дунёдаги тинчлик ва ҳатто инсониятнинг истиқболи ҳам 1 июлдаги можарога ўхшаш можароларга боғлиқ бўлиб қолади. Бундай аҳволга асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми жаҳон жамоатчилигини ана шундай учишларни қоралашга ва Қўшма Штатлар ҳукуматидан бундай бемаъни ҳаракатларни бундан буён такрорламасликни қатъий талаб этишга чақиради».

ҚАСАВУБУ БИЛАН ЛУМУМБА СТЭНЛИВИЛГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 17 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Стэнливилдан (Катанга вилоятининг маъмурий маркази) хабар беришича, Конго республикасининг президенти Касавубу билан бош министр Лумумба бугун Стэнливилга келган. Улар ана шу вилоятдаги аҳволга тааллуқли масалаларни муҳокама қиладилар.

КОНГОДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

БРЮССЕЛЬ, 17 июль (ТАСС). Конго республикаси ҳукумати Бельгиянинг Конгодаги дипломатик миссиясининг бошлиғи Ван ден Бошга мактуб топширди. Бу мактубда Бельгия билан дипломатик муносабатларни узиш ҳақидаги қарор таъкидланади.

Мактубда Конго территориясидан, шу жумладан Китона ва Каминадаги ҳарбий базалардан Бельгия қўшинларини дарҳол эвакуация қилиш талаб қилинади.

ИКЭДА ЯПОНИЯНИНГ БОШ МИНИСТРИ

ТОКИО, 18 июль. (ТАСС). Япония радиосининг хабар қилишича, Япония парламентининг навбатдан ташқари бугун очилган сессияси Япония ҳукуматининг янги бош министри қилиб Япония либерал-демократик партиясининг раиси Хаято Икэдани сайлади.

В. В. КУЗНЕЦОВ НЬЮ-ЙОРККА ЖУНАБ КЕТДИ

СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** «Америка Қўшма Штатлари ҳарбий авиациясининг Совет Иттифоқига қарши қилган ва умумий тинчликка хавф туғдирадиган янги агрессив ҳаракатлари тўғрисида»ги масалани Хавфсизлик Кенгашида қараб чиқиш вақтида қатнашиш учун 17 июлда самолётда Нью-Йоркка учиб кетди.

Редактор **И. РАҲИМОВ.**

ЭШИТТИРИШЛАР МАЗМУНЛИ БЎЛСИН

Пойтахтдаги Сталин номли маданият ва истироҳат боғида радио эшитувчилар ва телетомошабинларнинг шаҳар конференцияси бўлди. Конференцияни Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Х. Ғуломов очди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение комитетининг раиси У. Иброҳимов республика радио ва телевидениесининг аҳволи ва навбатдаги вазифалар ҳақида доклад қилди. Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари Ю. Муҳамедов республикада радио ва телевидениенинг ривожланиши тўғрисида сўзлади.

Конференция қатнашчиси тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрика ишчиси Маричкин, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Абдуллаев, шаҳар халқ маорифи бўлимининг ходими Данилова, «Совет мактаби» журналининг редактори Усмонов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, комитет ишидаги айрим камчиликларни кўрсатдилар ва камчиликларни тугатиш ҳақида ўз таклифларини бердилар.

А. ПУЛАТОВ.

КОЛХОЗ БОЗОРИДА

КИТОБ («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Район марказидаги колхоз бозори йилдан йилга обод бўлаётир. Сабзавот, картошка, ҳўл-мева ва резаворлар сотиладиган усти ёпиқ тўрт бурчакли пештахталар қурилиб ишга туширилди. Бу пештахталарнинг ҳар бирида 100 та сотувчи бемалол савдо қилиши мумкин. Шунингдек гўшт, сут ва сабзавот сотадиган 10 та янги дўкон қуриб ишга туширилди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/VII да **Этик кийган Мушук.**

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ — Муқимий номли театрнинг ёзги биносида: 19/VII да **Фарғона ҳикояси**, 20/VII да **Урмон**, Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида — 20/VII да **Концерт.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 20, 21/VII кеч соат 9 да **Ўзбекистон санъат усталари концерти.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Юртдан узоқда — қишки «ВАТАН», «МИР», қишки СОБИР РАҲИМОВ номли, қишки НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), ёзги «ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли (кеч соат 9-10 ва 10-50 минутда), «ШУҲРАТ» (кеч 9 ва 11 да), «ХЕВА» (кеч 9-15 минут ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 9-20 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда).

Рим каникуллари — «ИСКРА», «ДРУЖБА» (2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, «УДАРНИК» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минут ва 11 да).

Рапсодия — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 9-20 минутда).

Салом, доктор! — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Сукунат оламида, Жизель — **КИНОЛЕКТОРИЙ.**

Алишер Навоий — (кеч соат 9-10 минутда ўзбек тилида), **Олтин уй** (кеч 10-40 минутда рус тилида) — «ОКТЯБРЬ».

«Комета» матроси — ёзги СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 9 ва 11-да).

Поезддан тушган киши — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 11 да).

Баҳорда бўлган воқеа — ФРУНЗЕ номли (кеч соат 9 ва 11 да).

Руслар совғаси — «ВЕСНА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Тошкент
маданий-оқартув техникуми

1960/61 ўқув йилида

1) кутубхоначилик, 2) бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг раҳбарлари бўлимларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда қатнаб ўқийдиган ва сиртқи бўлимлар бор.

Ўқиш муддати: қатнаб ўқийдиган кутубхоначилик бўлимида: ўрта маълумотлилар учун — 2 йил, 7—8 йиллик маълумоти бўлганлар учун — 4 йил.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарлари бўлимида — ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 6 ой.

Сиртқи кутубхоначилик ва клуб бўлимларида: ўрта маълумотлилар учун—2 йил, 7 йиллик маълумоти бўлганлар учун—4 йил.

Сиртқи бўлимга кутубхоналарда, маданият уйларида ва клубларда ишлаб турган кишилар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар ётоқ ва стипендия билан таъминланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 10-уй.

Республика стенография ва машинкада ёзув курси

стенография ва машинкада ёзув бўлимларига

(кундузги ва кечки сменаларга) 8-10 синфни тамомлаган хотин-қизлар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 10 августгача қабул қилинади. Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўча, 174-уй (Бешёғоч. Комсомол кўли ёнида).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлари академияси президиуми, шу академиянинг пахтачилик бўлими ва пахтачилик институти СоюзНИХИ Фарғона тажриба станцияси директорининг ўринбосари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг корреспондент аъзоси **Мастура ТОЖИЕВАНИНГ** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР —26334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши — 27604, Пропаганда — 31228, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р 01952. Нашр. А. № 167.